

ПРЕЗИДЕНТ. СПОРТ. БАЛАБА!



АСРОР МУМИНОВ

**ПРЕЗИДЕНТ.
СПОРТ.
ҒАЛАБА!**

(бадиалар)

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2001

Мазкур тўламда Истиқлол йилларида юртимизнинг спорт тармоғида эришилган оламшумул ғалабалар тўғрисида ҳикоя қилинади. Президентимиз Ислам Каримовнинг Олтин Олимпия ордени билан мукофотланиши, шохмотчиларимизнинг тўнғич муваффақияти, қор маликаси — Лина Черязованинг жасорати, теннис бўйича «Президент Кубоги» халқаро турнирининг ташкил этилиши, футболчиларимизнинг Осиё ўйинларидаги ғалабаси, ўн беш карра жаҳон чемпиони Артур Григоряннинг ватанпарварлиги, «дунё томи»нинг забт қилиниши, ўзбек курашининг халқаро миқёсга чиқиши, Муҳаммадқодир Абдуллаевнинг Олимп чўққисига кўтарилиши ва бугунги тумарисларнинг умидбахш натижалари на фақат спорт мухлисларини, балки кенг китобхонлар оммасини қизиқтириши табиий. Хуллас, Ватанимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган ўн зафар ҳақидаги бадиалар маънавиятингизни бойитади.



Китобнинг ҳомийлари: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси ва «Фидокор» газетаси.

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти, 2001 йил.

ЎЗБЕКИСТОН СПОРТ МАМЛАКАТИГА АЙЛАНАДИ

«Одамзод ҳаётида шундай воқеалар бўладики, улар ҳеч қачон унутилмайди, умрбод ёдда сақланади, унинг авлодлари томонидан ҳам фахр билан тилга олинади». Юртбошимизнинг бу сўзлари 1996 йил 6 февраль сана-сидаги воқеага ҳам тўла тааллуққидир. Айнан шу куни Халқаро Олимпия қўмитасининг Лозанна шаҳридаги бош қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримовга Олимпия ғояларига садоқати ва жаҳон спортини ривожлантиришдаги хизматлари учун спортдаги энг олий мукофот — Халқаро Олимпия қўмитасининг Олтин Олимпия ордени топширилди. Агар ушбу юксак орден соҳиблари эндигина элик нафардан ошганлигини, улардан атиги ўндан зиёди давлат раҳбари ва арбоби эканлигини эсга олсак, Президентимизнинг шундай мукофот билан тақдирланиши нафақат замондошларимизга, балки келгуси авлодларимизга ҳам 1996 йил 6 февраль куни юртимиз ҳаётида унутилмас воқеа бўлганидан далолат бериб туради. Зеро, бу орден ҳозирги кунда Йўлбошчимиз ташаббуси билан пойтахтимизда бунёд этилган Олимпия шон-шўхрати музейининг ноёб мулклари қаторидан ўрин олган.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг ривожланган жисмоний тарбия ва спортдан кутаётган мурод-муддаоси ҳаминша Олимпия ғояларига муштарак: «Спорт — спорт учун эмас, энг аввало, одамлар учун, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан комил инсонлар этиб тарбиялаш учун, ер юзидаги барча кишиларнинг тинчлик-осойишталиги, дўстлик ва ҳамкорлиги, бахт-саодати учун хизмат қилиши даркор», «Фақат жисмоний жиҳатдан бақувват бўлган одамни тарбиялаш унчалик қийин эмас. Аммо уни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан камол топтириш ғоят мураккаб вазифа. Айниқса, бугунги кунда — мафкуравий курашлар гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона тус олган ҳозирги нозик, қалтис шароитда, таҳликали замонда бу масала ниҳоятда долзарб аҳамиятга эга».

Президентимизнинг шундай эзгу ғоялари юртимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг

ҳуқуқий асосига замин бўлди. Мамлакатимизда МДХ-да биринчи бўлиб, «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди, дунёда ҳеч бир мисоли бўлмаган «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди ва Соғлом авлод Давлат дастури ишлаб чиқилди, Вазирлар Маҳкамасининг спортни, оммавий спорт турларини ривожлантириш тўғрисидаги қатор қарорлари эълон қилинди. Бу ҳуқуқий ҳужжатлар юртимизда жисмоний тарбия ва спорт тармоғи тараққиётини кафолатлади.

Халқимиз улуғ мақсадга — Ватанимиз келажаги бўлган соғлом авлодни камол топтиришга чоғланди. Лекин ишни нимадан бошлаш керак? Юртбошимиз таъкидлаганидек: «Соғлом авлод тарбияси пойдевори — миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз, ота-боболаримизнинг ҳаётий тажрибалари асосида курсак, ҳеч қачон кам бўлмаймиз». Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ҳам эътибор миллий қадриятларимизни тиклашга қаратилди. Президентимиз соврини учун миллий курашимиз бўйича Шаҳрисабз, Бухоро, Термиз ва Андижон шаҳарларида халқаро мусобақалар ўтказилиши ўн минглаб полвонларимизни оёқлантирди. Форишда эса халқ ўйинлари ва миллий спорт турлари бўйича ажойиб мусобақалар ташкил этилди. Бу мамлакатимизда Алпомиш ўйинлари, Тўмарис ўйинлари каби моҳиятган янги мусобақалар уюштирилишига замин ҳозирлади.

Мустақил Ўзбекистон спортчиларининг нуфузли мусобақаларда эришадиган муваффақиятлари жаҳон аҳлини ҳайратга солди. Шоҳмот жамоамиз 1992 йил Филиппинда ўтказилган 30-Бутунжаҳон шоҳмот олимпиадасида юздан зиёд давлат вакиллари ўртасида фахрли 2-ўринни эгаллаб, дунё спортида Ўзбекистоннинг ўрни борлигини намойиш этди. 1994 йил Норвегияда ўтган 17-қишки Олимпиадада моҳир фристайлчимиз Лина Черязова қорли ўлка спортчиларини ҳам орда қолдириб Олимпия чемпиони бўлди... Вакилларимизнинг кетма-кет қозонаётган зафарлари жаҳон спорт мутасаддиларининг эътиборини тортди. ХОҚ президенти Хуан Антонио Самаранч пойтахтимизга ташриф буюрди. Юртбошимиз мўътабар меҳмонга Тошкентда ХОҚ тасарруфида Марказий Осиё ўйинлари ўтказиш таклифини айтди ва томонлар бу борада қатъий қарорга келишди.

Пойтахтимизда қисқа фурсат ичида жаҳон андозаларига жавоб берадиган «Юнусобод» теннис мажмуи барпо этилди ва унда «Президент Кубоги» халқаро мусобақасига қатнашиш учун келган дунёнинг етакчи

ракетка усталари саф тортишди. Президентимиз ушбу мусобақанинг тантанали очилиш маросимида сўзлаган нутқида ушбу турнирнинг юртимиз ҳаётида тутган ўрнига алоҳида тўхталди: «Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга машҳур қила олмайди. Бизнинг бу халқаро турнирдан кўзлаган мақсаду муддаомиз — Ўзбекистоннинг спорт соҳасидаги катта салоҳиятини юзага чиқариш, бунинг учун етарли шарт-шароитлар борлигини кўрсатиш». Айнан шу мусобақадан кейин бутун мамлакатимиз бўйлаб теннис, спорт иншоотлари қуришга киришилди, юртимизда нуфузли мусобақаларни юксак савияда ўтказиш анъанага айланди. Уларда янги-янги истеъдодларимиз бўй чўзишди. Хусусан, Тошкент очиқ биринчилигида Ирода Тўлаганова юлдузи ёрқин нур таратди.

1995 йилда Тошкентда 1-Марказий Осиё ўйинлари катта муваффақият билан уюштирилди. Мусобақа очилиш тантаналарида ХОҚ, президенти Х. А. Самаранч қатнашди. Шунингдек, у профессионал теннисчилар ўртасидаги «Президент Кубоги» иккинчи халқаро турнири очилиш маросимида ҳам иштирок этди. Ташриф давомида муътабар меҳмон юртимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ялпи юксалиш бошланганига гувоҳ бўлди.

Айримлар юртимиздаги теннис ривожини ўзлари-ча талқин этишга уринишади. Улар тўғри хулосага келишлари учун Президентимизнинг қуйидаги сўзларини келтирамыз: «Биз теннисга шунчаки бир спорт тури деб қарамасдан, уни соғлом авлодни камол топтириш, миллат генофондини соғломлаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатнинг бир босқичи деб ҳисоблаймиз».

Маълумки, халқаро мусобақалар чоғида спортчи исми-шарифи ёнига мамлакати ва ҳомийларининг номлари ҳам ёзилади. Эсимда, халқаро мусобақалардан зафар билан қайтган спортчилар билан суҳбатлашганимда, улар ташкилотчиларнинг, журналистларнинг саволарига «Бизнинг ҳомийимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов» дея жавоб беришганини фахр билан сўзлашганди. Аслида ҳам шундай. Буни етакчи спортчиларимизнинг Юртбошимизга йўллаган мурожаатномасидан ҳам билса бўлади: «Биз — Ўзбекистон спортчилари Сиздек жасур, дойурак, матонатли инсонни ҳамиша ўз сафимиздаги мамлакат паҳлавонларининг сардори деб биламиз. Дунёнинг қай бурчагида бўлмасин Ватанимиз мадҳияси янграб, бийроғимиз кўкка юксалиб, шоҳсупага зафар қучган фирзандларингиз кўтарилар экан ҳамиша улар ёнида Сиз ҳам турасиз. Чунки бутун мамлакатимизда спорт ри-

вожи учун энг катта хизмат қилаётган ҳам Сиз ўзингиз — муҳтарам Йўлбошчимиз».

Ватанимиз эндигина озодликка эришган даврда Президентимиз: «Мустақилликнинг олий мақсади — ўзбек халқининг иззатини жойига қўйишдир», — дея Истиқлол йўлининг устувор йўналишини белгилаб берганди. Яқинда бўлган нуфузли йиғинда ушбу фикр мантиқан давом эттирилди — Мендан «Сизнинг раҳбарлик фаолиятингиз йилларида қилган энг муҳим, энг буюк ишларингиз нималар бўлди?» деб сўралса, мен шундай жавоб берар эдим: «Мана шу Ўзбекистон дейилган муқаддас заминда яшаётган инсонларни қадрладим, ардоқладим. Ўзбек, ўзбек миллати, ўзбек халқинини улуғладим, бутун дунёда унинг ҳурматини жойига қўйдим. Бу менинг ҳаётим маъноси, умрим мазмунига айланиб қолган». Юртбошимизнинг бу сўзларига далолат спорт ютуқларимизда ҳам кўзга яққол ташланади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон спорти халқаро майдонда ўз ўрнига эга. Ахир, юзлаб жаҳон чемпионларимиз бор, ўзбек спортчиси қўшларга орзу бўлган «дунё томи» — Эверестни, Олимп чўққисини ҳам забт этди. Албатта, Президентимиз раҳнамолигида ўзбек курашининг халқаро майдонга чиқиши XX асрда спортда эришган энг катта ғалабамиздир!

Ҳақиқатан ҳам тарихан қисқа давр ичида спортда ҳам асрларга татиғулик ютуқларни қўлга киритдик. Юртимизда юзлаб муҳташам спорт саройлари, ўйингоҳлар қурилди, қатор халқаро турнирлар, Осиё чемпионатлари, Гран-при мусобақалари, жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинлари замон талаблари даражасида ташкил этилди. Айниқса, Наманганда «кичик олимпиада» — Универсиаданинг ўтказилиши, 15 нафар ғолиб талаба-спортчига Президентимизнинг совғаси — «Тико» автомобили топширилиши ёшларимизнинг спортга бўлган қизиқишини янада ошириб юборди. Бироқ Юртбошимизга хос фазилатлардан бири шуки, эришилган ютуқлардан хотиржам бўлмайди, дарҳол янги марраларни кўзлайди, ўзгаларни ҳам янги зафарларга илҳомлантиради, халқимизга яхшилик соғинади: «Имкони бўлса эди, биз Ўзбекистоннинг меҳнаткаш инсонлари устидан зар сочган бўлардик». Президентимиз ташаббуси билан «Ўзбекистон ифтихори», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» Фахрий унвонлари таъсис этиди. Аслини олганда, юзлаб жонкуяр спортчи, мураббий ва спорт ходимларининг шу юксак унвонлар, орден-медаллар билан мукофотлангани улар устига сочилган зар эмасми?!

Мамлакатимиз спорти тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган ўша қутлуғ кунда Президентимиз Ислам Каримов ўз нутқини мана шундай эзгу ниятлар билан яқунлаганди: «Очигини айтсам, мен ҳеч қачон орденларимни тақиб юрмайман. Лекин ҳозир кўнглимда янги орзу пайдо бўлди — яқин келажақда бизнинг орзуларимиз ушалиб, Тошкентда «Олимпия олови ёқилганда мен шу орденни тақиб Ватаним пойтахтидаги Олимпия ўйинларида ҳозир бўламан ва иштирок этман деб умид қиламан». Ҳа, Юртбошимиз спортдаги энг юксак чўққини кўзламоқда.

Демак, ўзбек спортчиларининг оламшумул ғалабалари ҳали олдинда!

Демак, қачонлардир Тошкентимиз Олимпия ўйинлари пойтахти бўлади!

Демак, жонажон Ўзбекистонимиз спорт мамлакатига айланади!

ОЗОД ЮРТГА ОЛАМШУМУЛ ҒАЛАБАЛАР ЯРАШАР

Ватанимиз эндигина мустақилликка эришганди. Она-Ўзбекистонимизни жаҳон аҳли таниши учун мамлакатни дунёга тезда машҳур қиладиган соҳалар — фан, санъат ёки спортда оламшумул ғалабага эришишимиз зарур эди. Ниҳоят, халқимиз орзиқиб кутган ана шундай кун келди. Шоҳмот терма жамоамиз 1992 йил 24 июнда Филиппин пойтахти Манилада яқунланган 30-Бутунжаҳон шоҳмот олимпиадасида кумуш медалини қўлга киритди. Тантанали ёпилиш маросимида иштирок этган юзта давлатнинг шоҳмотчилари, жаҳон спорти мутасаддилари, етакчи оммавий ахборот воситаларининг вакиллари Ўзбекистон терма жамоасига олимпиаданинг кумуш медали топширилиши эълон қилинганда улкан саройни ларзага келтириб, юртдошларимизни гулдурас қарсақлар билан олқишлашди.

Халқаро майдондаги илк оламшумул ғалаба айнан ақл-заковат ўйини ҳисобланмиш шоҳмотда эришилганида қандайдир рамзийлик бор. Чунки бизнинг заминимизда дунё тамаддунига бебаҳо ҳисса қўшган қанчадан-қанча улуғ алломалар вояга етишган. Бундан ташқари, шоҳмот-шатранж ўйинининг пайдо бўлишини тадқиқ қилган тарих фанлари номзоди Мамажон Муҳиддиновнинг илмий хулосасига кўра Ўзбекистон бу қадим сеҳрли ўйиннинг ватанларидан бири ҳисобланади. Яна аҳамиятлиси, кўплаб мутафаккирлар мўъжизавий шоҳмот ўйинида фан, санъат ва спорт мужассам эканлигини таъкидлашган. Шу боис шоҳмотчиларимизнинг бу буюк муваффақияти жаҳон ом-

мавий ахборот воситаларида баралла янгради ва Озод Ўзбекистонимизни бир зумда дунё аҳлига танитди.

Албатта, халқаро майдондаги ҳеч бир ғалаба осонликча қўлга киритилмайди, айниқса жамоалар ўртасидаги мусобақада. Энди биз бу ҳақиқатни жуда яхши биламиз. Ҳа, халқаро майдонда бирон ғалабага эришиш учун мустаҳкам асос бўлиши, мусобақалар пайтида ватанпарварлик, фидойилик, мардлик кўрсатилиши даркор.

— Шоҳмот Ўзбекистонда қадим-қадимдан ўйналиб келинган, — деган эди терма жамоамиз бош мураббийи Сергей Пинчук муваффақиятдан кейин юртимизда ўтказилган биринчи матбуот анжуманида. — Шунинг учун республикамизда бу ўйинни билмайдиган кишини топиш қийин. Исталган чойхонада шоҳмот тахталари бор. Бу билан ютуғимиз аниқ заминга таянган деб айтмоқчиман. Лекин Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритмаганида бу ютуқ бўлмас эди. Негаки, илгариги даврларда республикамиз шоҳмотчилари олимпиадада қатнашиш шарафига сазовор бўлишмаган. Бизга мустақиллик олимпиада эшикларини очди.

— Менимча, ҳеч бир ғалабани олимпиададаги муваффақият билан қиёслаб бўлмайди. Чунки бу анжуманда дунёдаги барча кучли шоҳмотчилар иштирок этишиб, ўз мамлакатлари спорт шарафини ҳимоя қилишади, — дея ютуғимиз моҳиятини изоҳлаганди олимпиада қаҳрамонимиз, «Энг чиройли ўйини учун» мукофоти соҳиби Александр Ненашев.

— Филиппинга саёҳатга эмас, оғир вазифани бажаришга кетаётганимизни билардим. Кайфиятим шу мақсаддан келиб чиқди. Ўзимни курашларга чоғлай бошладим, — дея жамоамиз жанговар руҳини ифода этганди олимпиада қаҳрамонларимиздан яна бири Сергей Загрибельний.

— Менинг вазифам ҳам бошқаларникига ўхшаш эди, — деб сўз бошлаганди ўшанда жамоамизнинг биринчи тахтасида дона сурган халқаро гроссмейстер Валерий Логинов. — Яъни, жамоамизнинг умумий жамғармасига ҳисса қўшиш. Ўзим ҳам қўл қовуштириб ўтирадиган шоҳмотчилар тоифасидан эмасман. Баҳоли қудрат бу вазифани бажаришга ҳаракат қилдим.

— Ютуғимизнинг бош омили жамоамизнинг аҳиллигида, — деган эди етакчи шоҳмотчимиз Григорий Серпер. — Ҳатто, олимпиадада кимдир: «Ўзбекистонликлар ютади-да, улар ҳар доим олти киши бўлиб, тўрт шоҳмотчига қарши ўйнаяпти», дебди. Унинг фикрида жон бор. Бизнинг захирадаги шоҳмотчиларимиз доим ўйинхонада биз билан бирга учрашув тақдири

учун қайғуришди. Захирадагиларнинг бундай мадади ҳар доим асосий ўйинчиларга куч бағишлайди.

— Жамоадошларинг ҳар бир ўйини натижаси учун қайғурасан, лекин ҳеч қайсисига ёрдам беролмайсан, — дея ўз аҳволини тушунтирганди Михаил Салтаев. — Уларнинг ёнидан узоқлашиб кетолмайсан ҳам. Тик оёқда туравериб шу даражада чарчардимки, охири ўша жойда ўтириб бир оз дам олардим. Негаки менга махсус вазифа юкланганди. Яъни, барча кучли жамоаларнинг ўйинларини кузатиб бориш ва уларнинг натижаларини қайд этиш. Бошқача айтганда, мураббийимиз Сергей Тимофеевич қайси жамоанинг ўйини натижасини билгиси келса, узил-кесил жавоб бериш.

— Захирада бўлганим учун 4—5 та ўйинда қатнашсам керак деган фикрда эдим, — дейди Бутунжаҳон шоҳмот олимпиадалари тарихида биринчи бор қатнашган ўзбек шоҳмотчиси сифатида қайд этилган Сайдали Йўлдошев. — Шунда ҳам мусобақанинг бошларида, кучсиз рақибларга қарши. Лекин ҳал қилувчи баҳсларда халқаро гроссмейстерларга қарши дона суришимга тўғри келди.

Дарҳақиқат, захирада турган Салтаев ва Йўлдошев зарур пайтда асосий таркибда дона сурди. Айниқса, 10-турда иккаласи ҳам таниқли грузин гроссмейстерлари устидан ажойиб ғалабага эришди. Бу жамоамизнинг ўз кучига бўлган ишончини мустақкамлади, рақибларимизни эса саросимага солиб қўйди. Франция терма жамоаси бош мураббийи Иосиф Дорфман: «Агар Ўзбекистоннинг захирадаги шоҳмотчилари шундай кучли дона суришса, асосий ўйинчиларига қандай дош бериш мумкин», дея кўпчиликнинг фикрини ифодалганди.

Лекин очибгани айтишимиз лозим, олимпиаданинг бошида шоҳмот мамлакатларининг вакиллари терма жамоамизни назар-писанд қилишмаганди. Ҳатто, 4-турдан кейин терма жамоамиз иккинчи ўринга кўтарилганда буни тасодифга йўйишганди. Ҳолбуки, вакилларимиз Германия ва Болгария терма жамоалари устидан ғалаба қозонишганди. 5-турда шоҳмотчиларимиз жуда кучли таркибли Англия терма жамоаси билан дуранг ўйнади, 6-турда бўлажак олимпиада чемпионлари россияликларга ютқазиб қўйишди. Ушанда айримлар: «Мана ҳаммаси жойига тушди, энди ўзбекистонликлар пастга шўнғийди», дея кесатишганди. Юртдошларимиз эса 7-турда швецияликларни тор-мор этишиб, 8-турда медалга даъвогарлик қилаётган голландияликлар билан битимга келишишди. Кейинги турларда кетма-кет Гуржистон, Литва ва Арманистон терма

жамоаларини мағлубиятга учратишиб, мусобақа жадавалида яна иккинчи ўринга кўтарилиб олишди. Ана шу баҳсларда Сергей Загрибельний қимматли очколарни келтирди, чораси йўқ деган ўйинларда дурангга эришди. Бу жамоамизга кўтаринки руҳ бахш этди. 13-турда шоҳмотчиларимиз АҚШ терма жамоаси билан кечган офир ўйинда кичик ҳисобда ютқазиб, иккинчи ўринни эгаллаш имкониятини сақлаб қолишди. Фақат бунинг учун охирги турда исроилликларни йирик ҳисобда югишимиз керак эди. Шундай масъулиятли ўйинда юртдошларимиз исроилликларни 3:1 ҳисобида енгишди.

Шу ўринда сизга Михаил Салтаевнинг фикрларини ҳавола этсак: «Баъзилар ҳисобни эшитишиб, жамоамиз осонгина ютибди, деб ўйлаган бўлиши мумкин. Гўё уларнинг наздида рақибларимиз бу баҳсга тайёргарлик кўрмаган. Ҳақиқий аҳвол аксинча эди. Исроилликларнинг барчаси бизга таниш кучли шоҳмотчилар, яъни улар собиқ иттифоқдан боришганди. Яна бир омилни эслатишим лозим, исроилликлар бизни ютишса совринли ўринга илинишарди. Шунинг учун гуруҳ раҳбарлари уларга «Агар ўзбекистонликларни ютсангизлар ҳар бирингизга 10 минг АҚШ доллари-дан мукофот берамиз», дея огоҳлантиришибди. Бундай ваъдани эшитгандан кейин улар баҳсга қандай тайёргарлик кўрганини ўзингиз тасаввур қилаверинг».

Исроилликларга ваъда этилган бу миқдор ўша вақтда бизнинг пулимизда 1.510.000 сўмни ташкил этарди. Бизнинг шоҳмотчиларимиз эса ҳеч қандай мукофот пуллари-ни хаёлларига ҳам келтирмай Ватан шаъни учун «жанг»га кирдилар. Кейинроқ олимпиададан кумуш медаль билан қайтган шоҳмотларимизни Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси эришган муваффақиятлари учун ҳар бирига 4000 сўмдан ажратди. Хайрият, ҳақиқат қарор топди. Президентимиз Ислон Каримов олимпиадада Ватанимиз шуҳратига шуҳрат қўшган шоҳмот жамоамиз аъзоларини 1992 йил 5 июлдаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади. Мустақиллигимизнинг бир йиллиги арафасида эса етакчи шоҳмотчиларимизга «Хизмат кўрсатган спортчи» Фахрий унвони берилди.

Ўша кунлар шукуҳи, қувончи ҳамон ёдимизда. Сайдали Йўлдошев юртимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган ўша кунни шундай эслайди: «Олимпиаданинг ёпилиш маросими бизда ёқимли таассурот қолдирди. Россияликларнинг чемпион бўлгани эълон қилинганда яккам-дуккам қарсақлар чалинди. Лекин

сухандон «Олимпиадада 2-ўринни Ўзбекистон эгаллади», дейиши билан ўйинхона гулдурос қарсақларга кўмилиб кетди». Бу қарсақлар жумлаи жаҳонда аксадо берди. Минг шукур, дунё аҳли Озод Ўзбекистонимизнинг илк муваффақиятини ана шундай олқишлар билан кутиб олди.

Ютуқларнинг қаноти бўлади. Шоҳмотчиларимизнинг муваффақияти барча спортчиларимиз, бутун халқимизни руҳлантириб юборди, янги-янги галабаларга илҳомлантирди. Сайдалининг ўзи тўрт йилдан кейин бўлган 32-Бутунжаҳон шоҳмот олимпиадасида шахсий ҳисобда олтин медаль ва халқаро гроссмейстер унвони билан тақдирланди. Ўтган йили Истанбулда ўтказилган шоҳмот олимпиадасида Рустам Қосимжонов биринчи тахтада бронза медални олган бўлса, Алексей Барсов бешинчи тахтада олтин медални қўлга киритди. Юртимизда қатор иқтидорли шоҳмотчилар вояга етишмоқда. Улар яқин келажақда 30-Бутунжаҳон шоҳмот олимпиадасидаги муваффақиятимиз мустаҳкам заминга эга эканлигини исботлашади.

ҚОР ҚОПЛАМАС ОЛИМП СЎҚМОҒИМИЗНИ

1994 йил 12 феврал. Норвегиянинг Лилехаммер шаҳрида XVII қишки Олимпия ўйинларининг тантанали очилиш маросими давом этмоқда. Майдонга олимпиада тарихида биринчи бор мустақил жамоа сифатида қатнашаётган Ўзбекистон спортчилари қадам қўйишди Намойишдан ўтаётган ҳар бир давлат вакиллари ўз она тилларида муборакбод этаётган суҳандон юртдошларимизнинг қутлуғ қадамини соф ўзбек тилида «Хуш келдингиз, Ўзбекистон!» дея қутлади. Бу ўзбекона сўзларимизни Олимпия ўйинларида иштирок этиш учун 68 мамлакатдан келган 2 мингдан ортиқ спортчи, майдондаги ўн минглаб мутахассису муҳлислар ва Олимпиада тантанали очилиш маросимини ойнаи жаҳон қаршисида кузатаётган 150 га яқин давлатдаги 2 миллиарддан зиёдроқ томошабин эшитди. Ўша кезларда Истиқлол шарофати билан елкасига офтоб теккан ўзбекнинг кўкси тоғ, гурури осмон бўлди.

Спорт аҳлининг: «Олимпиадада галабагина эмас, қатнашишнинг ўзи ҳам катта шараф!» деган қанотли ибораси бор. Шу боис жаҳон спорт мутасаддилари қуёшли юртимиз спортчиларининг олимпиадада қатнашишининг ўзини юқори баҳолашди. Лекин вакилларимиз орасида Олимпия ўйинларида қатнашиш билан кифояланмайдиган моҳир фристайлчимиз — жаҳон чемпиони ва жаҳон кубоги соҳиби Лина Черязо-

ванинг борлиги бизнинг қалбларимизга медалга, ҳатто ғолибликка умид учқунини ёқаётганди. Фақат Линанинг жаҳон кубоги мусобақаларида оғир жароҳат олгани ва бу жароҳат тезда тузалмаслигини билганимиз учун бир оз хавотирда эдик.

Одатда, оёқнинг тўпиқ қисмида олинган жароҳат билан фристайлнинг акробатика тури мусобақаларида қатнашиш жуда хавфли. Чунки мусобақада қия трамплиндан чанғида ўқдай учиб келаётган фристайлчи қайрилмадан 16—20 метр балангликка кўтарилгач, ҳавода ҳар хил машқларни бажара бошлайди ва қорга қўнади. Агар фристайлчининг оёғида жароҳати бўлса ва қўнишда хатоликка йўл қўйса мудҳиш оқибатларга олиб келиши мумкин. Бундан ташқари...

Олимпиада арафасида Линанинг онаси Светлана Семёновна хасталиқдан сўнг бевақт вафот этди. Аммо ушбу Олимпиададаги ғалаба эндигина мустақилликка эришган Ўзбекистон учун тарихий аҳамиятта эга эканлигини тушунган она вафоти тўғрисида қизига мусобақа тугамагунча айтмасликларини васият қилди... Лекин инсон қалби олис-олислардаги ноҳуш хабарларни ҳам сезади. Оғир жароҳатланган ва кўнгли хижил Лина саралаш мусобақаларини бўш бошлади. У мусобақа ҳавосини туйгандан кейингина натижаларини яхшилаб, финал босқичига бериладиган охирги — 12-йўлланмани қўлга киритди.

Финал босқичига ўзини руҳан тайёрлаган Лина машқларда бири-биридан яхши натижалар кўрсатди. Айниқса, ҳавода ўзига хос уч марта айланиш дастурини аниқ бажарганда, мутахассису мухлисларгина эмас ҳакамлар ҳам олқишлашди. Мен Линанинг Лиллехаммердаги ўша олтин парвозини ойнаи жаҳонда қайта-қайта томоша қилар эканман, ҳар доим унинг жароҳатланган оёғини авайлаб тушаётганига эътиборимни қаратаман. Билмадим, бундаин парвозга жаҳд қилиш учун жароҳатланган фристайлчига қанчалар жасорат, қанчалар маҳорат керак экан?

Қуёшли юрт қизининг қишки олимпиададаги ажойиб ғалабаси жаҳон спорт мутасаддиларининг диққат-эътиборини Ўзбекистонга қаратди. Негаки, спортда айрим ғалабалар оддий ҳолдай қабул қилинса, айримлари шов-шувли натижа сифатида эътироф этилади. Чунончи, тўп сеҳргарлари ҳисобланмиш бразилиялик футболчиларнинг ҳар қандай тоифадаги муваффақияти оддий ҳол, лекин теннисчиси Куэртэннинг жаҳонда биринчи ракеткачи бўлиши эътибор талаб кўрсаткич. Ёки қорли ўлкада истиқомат қиладиган норвег чанғичиларининг мусобақалардаги ютуғи табиий ҳодиса, би-

роқ аёллар футбол терма жамоасининг жаҳон чемпионатида ғолиб чиқиши мақтовга арзирли воқеа. Хўдди шундай қишки олимпиаданинг 70 йиллик тарихида бирон марта қатнашмаган қуёшли юрт вакилининг илк уринишдаёқ мўъжиза яратгани жаҳон спорт мутасаддиларини хайратта солди. Шоҳсупанинг юқори поғонасида мағрур турган Лина Черязовага олтин медални Халқаро Олимпия қўмитаси президенти Хуан Антонио Самаранч топширди. Ғолиб шарафига олимпиада тарихида биринчи марта Ўзбекистон байроғи кўтарилди ва давлат мадҳиямиз янгради.

Ҳа, 1994 йил 24 февраль — мустақил Ўзбекистон спортчисининг олимпиадада биринчи олтин медални қўлга киритган кун сифатида тарихимиздан жой олди. Шунингдек, фристайлнинг акробатика мусобақаси олимпиадада илк бор ташкил этилгани учун Лина Черязованинг номи шу тур бўйича аёллар ўртасидаги биринчи Олимпия чемпиони сифатида дунё спорти тарихига ёзилди.

Шоҳсупадан ял-ял ёниб тушган Линага онаси вафот этганини айтишди... У ўзини унутилмас ғалабасига поёндоз бўлган Норвегия қорига юз тубан ташлаб, аччиқ-аччиқ йиғлади. Кейин ўзида қўшимча куч ва ирода топиб, жаҳон кубогининг қолган мусобақаларига жўнаб кетди. Кўп ўтмай Лина иккинчи бор жаҳон кубогида ғолиб бўлди ва Тошкентга қайтди. Олимпиада олтин медални ва иккинчи жаҳон кубоги билан келётган Лина Черязова пойтахтимиз аэропортида тантанали кутиб олинди. Лина аэропортда ўзини мардона тутди, барча билан жилмайиб саломлашди, суҳбатлашди, журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берди. Кутиб олиш маросими тугаши ҳамон отаси Анатолий Николаевич билан онаси дафн этилган қабристон томонга шошди. Иродали Линанинг онаси қабри қошида тўккан кўз ёшларини отасидан бошқа ҳеч ким кўрмади.

Линанинг кейинчалик ёзган хотирасида қуйидаги сўзларни ўқидим: «Мен олтин медал учун курашаётган вақтимда дунёдаги энг азиз кишимдан — онамдан айрилган эканман...»

Мусобақаларда олган жароҳатлари ва ҳаётнинг берган оғир зарбаси Линанинг иродасини букмади. У жароҳатларини даволатиб, яна машқларга киришди. Ёзда эса маҳоратини тиклаш учун фристайлчиларнинг Лейк-Плэсиддаги машғулот масканига жўнади. Бу масканда сирпанчиқ трамплиндан сакраган фристайлчилар, машқларни бажаргач сувга тушишади. Лина бу жойда кўп шуғулланган. У ўша куни ҳам ҳавода уч марта айланиш

дастурини тобига етказиш мақсадида қайта-қайта машқ қилди. Яна трамплин юқорисига кўтарилди. Аммо трамплиндан сирпаниб тушар экан негадир эгилиб ботинкаси боғичларини текширди, оқибатда тезлик ва мувозанати бир оз ўзгарди. Қайрилмадан юқорига кўтарилиб, машқларни бажараётган пайт боши билан трамплин тиргагич тахтасига урилди. Сувга беҳуш йиқилган Линани зудлик билан шифохонага олиб боришди. Энг тажрибали ҳақимлар энг замонавий ускуналарда унга тиббий ёрдам кўрсатишди. Лина икки ҳафта ҳушсиз ётгач, кўзини очди ва жумлаи жаҳонни ҳайрон қолдириб соғайди, яна машғулотларни бошлади. Мамлакатимиз терма жамоаси таркибида 1996 йил Харбиндаги III қишки Осиё ўйинларида, 1998 йил Наганодаги XVIII қишки Олимпиадада қатнашди. Жаҳон спорт мутасаддилари Линанинг ушбу мусобақаларда қатнашганининг ўзи катта галаба эканлигини таъкидлашди.

Журналистик фаолиятимда мақола тайёрлаш мақсадида жуда кўп спортчилар билан суҳбатлашганман. Улардан биттасигина ўз фикр-мулоҳазаларини қоғозга ёзиб келиб, балки мақолангизда фойдаланарсиз, дея менга тақдим этган. Ўша спортчи Лина Черязовадир. Аввал унинг, қораламасига, кейин диққат билан оққа кўчирилган фикр-мулоҳазаларига кўз югуртираман: «Президентимиз Ислоҳ Каримов, ҳукуматимиз, Олимпия ва спорт қўмиталари раҳбарлари, мутахассислар, мухлислар, дўстларим, юртдошларим менга кўп меҳрибонлик кўрсатишди. Бу меҳрибонликлар мураккаб ҳаёт йўлим ва спорт фаолиятимда беқиёс ёрдам берди. Мен серқуёш Ўзбекистонда туғилганимдан ва ривожланган қорли мамлакатлар спортчилари ўртасида юксак натижаларга эришганимдан ҳамиша фахрланаман».

Биз эса Мустақиллигимизнинг учинчи йилиёқ спортчиларимиз учун Олимп чўққиси сари олтин сўқмоқ очган, кўксига «Ўзбекистон ифтихори» Фахрий унвонининг нишони ярашиб турган Лина Черязова билан фахрланамиз. Тўғри, иқлим шароитимиз қишки спорт турларининг барчаси билан шуғулланишга имкон бермайди. Лекин мустақиллик йилларида шу соҳани ривожлантиришга берилаётган эътибор мамлакатимизда қишки спорт турларининг ҳам келажаги порлоқ эканлигига кафолат беради. Шу боис ишончимиз комил, Линанинг Олимп чўққиси сари очган олтин сўқмоғини қор қопламайди. Ҳали бу сўқмоқдан қанчадан-қанча вакилларимиз дунёнинг энг нуфузли мусобақаларида Олимп чўққисига кўтарилишади.

ЎХШАШИ ЙЎҚ ГЎЗАЛ МУСОБАҚА

Сидней Олимпиадасида 80 та мамлакат спортчилари медаллар билан тақдирланишди. Бугун дунёдаги энг билимдон спорт мутахассиси ҳам ўша совриндор мамлакатларни бирдан санаб бера олмаса керак. Лекин XXVII ёзги Олимпия ўйинлари Австралиянинг Сидней шаҳрида бўлганини исталган давлатдаги оддий спорт мухлиси ҳам билади. Демак, олимпиадани, нуфузли мусобақаларни ўтказиш мамлакатга кўпроқ шуҳрат келтиради. Шу боисдан австралияликларнинг катта ғалабаси олимпиадада нечта медаль қўлга киритганида эмас, балки Олимпия ўйинларини ўзларида ташкил этишганидир.

Ватанимиз спортчилари мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ олимпиада ва жаҳон чемпионатларида ўзларининг нималарга қодир эканлигини кўрсатишди. Энди оддимизда олимпиадага географик кўлами тенглашадиган, яъни беш қитъа вакиларини бирлаштирадиган нуфузли мусобақалар уюштириб, Ўзбекистонимизнинг спорт салоҳиятини жумлаи жаҳонга намойиш этиш вазифаси турарди. Бу жаҳон андозаларига мос спорт иншооти, меҳмонхона қуришни, мусобақа қатнашчиларига намунали сервис хизмати кўрсатишни тақозо қиларди.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг профессионал теннисчилар ўртасидаги «Президент Кубоги» халқаро мусобақасига асос солиши улкан бунёдкорлик ишлари бошланишига тўртки берди. Айнан теннис мусобақаси танлангани бежиз эмас. Теннис спортнинг энг гўзал турларидан бири бўлгани учун бу тур бўйича нуфузли мусобақа ўтказиш мамлакатни тезда дунёга танитади. Чунки ҳар қандай давлат ҳам жаҳон андозаларига мос теннис мусобақаси ўтказишнинг уйдасидан чиқа олмайди.

Тошкент телеминораси ёнида бунёд этилаётган «Ўзбексавдо»нинг спорт-соғломлаштириш мажмуи бўлажак «Президент Кубоги» халқаро мусобақасига муносиб маскан деб топилди. Бу вақтда мусобақа бошланишига бор-йўғи 11 ой қолганди. Масканни халқаро андозаларга мос равишда муддатида топшириш учун мамлакатимиздаги илғор кучлар жалб қилинди. Кортларнинг қопламаларини ётқизишга Германиянинг «Балзам АГ», техник алоқа ускуналарини ўрнатишга АҚШнинг «Белком» фирмалари мутахассислари таклиф этилди. Ўшанда кўпни кўрган швейцариялик ишбилармон, «Президент Кубоги» халқаро мусобақаси ташкилотчиларидан бири Сассон Какшури ҳам спорт иншоотининг муддатида топширилишига ишонмаганди.

— Бундан олти ой олдин айни дамда биз ўтирган иншоотни ўз муддатида қуриб битказилишига ишониниш қийин эди, — деганди у «Президент Кубоги» биринчи халқаро мусобақаси очилиш маросими арафасида ўтказилган матбуот конференциясида. — Қуриб турганингиздек, эндиликда бу ерда профессионал теннисчилар ўртасида йирик халқаро мусобақа ўтказиш учун барча шароитлар етарли.

Ҳа, бунёдкорларимизнинг фидокорана меҳнати ва халқимизнинг асрлар синовидан ўтган, мўъжизалар яратишга қодир ҳашари спорт иншоотининг ўз вақтида сифатли топширилишини таъминлади. Умумий майдони 4,4 гектарни ташкил қилган спорт мажмуида барча қулайликларга эга икки қаватли маҳобатли бино (унинг ичида иккита ёпиқ корт бор, ер ости қисмида эса умумжисмоний тайёргарлик кўришга мўлжалланган хоналар жой олган), 2300 томошабинга мўлжалланган Марказий очик корт ва бешта очик корт фойдаланишга топширилди.

1994 йил 30 май куни Ўзбекистон спорт тарихида янги ёрқин саҳифа очилди. Ўша кун халқаро андозаларга жавоб берадиган «Юнусобод» теннис масканининг Марказий очик кортида «Президент Кубоги» биринчи халқаро мусобақасига қатнашиш учун беш қитъанинг 20 дан ортиқ мамлакатидан келган ракетка усталари саф тортишди.

Президентимиз Ислом Каримов мусобақани очар экан, унинг истиқболига катта ишонч билдирди:

— Бу халқаро теннис мусобақалари Ўзбекистонда онда-сонда эмас, балки ҳар йили ўтади ва дунёдаги шу хил турнирлардан қолишмайдиган бўлади.

Бир ҳафта давомида мусобақа қатнашчиларигина эмас, ўйинларни кўргани келган оддий томошабинлар, турли тадбирлар иштирокчилари ҳам кўрсатилаётган юксак савиядаги сервис хизматидан баҳраманд бўлишгач, ўзларини худди мўъжизалар мамлакатида юргандай ҳис этишди. Мусобақа тафсилотлари ойнаи жаҳон орқали мунтазам бериб борилди. Ўша кунлар олис қишлоқлардаги нурунийлар ҳам учрашганда суҳбатни «Президент Кубоги»дан бошлади десак, муболаға қилмаган бўламиз. Жаҳон спорт мутасаддилари, ракетка усталари эса теннис харитасида янги ном — Тошкент пайдо бўлганини чуқур мамнуният билан таъкидлашди.

Халқаро мусобақа кутилгандан зиёда самара берди. Биринчидан, нуфузли мусобақалар ўтказиш ҳадисини олдик. Иккинчидан, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортга, хусусан, теннисга бўлган қизиқиш кескин ошди. Учинчидан, юртимизда теннис кортлари,

спорт иншоотлари қуриш ишлари жадаллашди ва тармоқни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Тўртинчидан, мусобақа қутлуғ қадами туфайли пойтахтимиз янада ободонлашди, «Интерконтиненталь» каби замонавий меҳмонхоналар, бинолар қад ростлади. Бешинчидан, жаҳон спорт мутасаддиларининг диққат-эътибори Тошкентга, Ўзбекистонга қаратилди. «Президент Кубоги» иккинчи мусобақаси тантанали очилиш маросимида Халқаро Олимпия қўмитаси президенти Хуан Антонио Самаранчнинг қатнашгани ушбу фикримизни тасдиқлайди.

Жуда кўплаб яхши анъаналар «Президент Кубоги» туфайли турмуш тарзимизга сингиб кетди. Чунончи, «Президент Кубоги» доирасида раҳбарлар ўртасида теннис бўйича «Катта шляпа» мусобақалари уюштирилади. Ниҳоятда фойдали ушбу мусобақа юртимизда янги поғонага кўтарилди. Президентимиз таклифи билан вазирлар, ҳокимлар ва йирик корхоналарнинг раҳбарлари ўртасида «Ҳавас» анъанавий мусобақаси ташкил этилмоқда. «Ҳавас»нинг иккинчи мусобақаси тантанали очилиш маросимида сўз олган исроиллик мутахассис Ян Фроман юртимиздаги теннис юксалишига тан бериб, шундай деганди:

— Бундан тўрт йил олдин биз, хусусан мен мамлакатингизга мутахассис сифатида келгандим. Агар юртингизда теннис юксалиши шу суръатда давом этса, яна икки-уч йилдан кейин Исроил теннисни қандай ривожлантириш борасида Ўзбекистондан мутахассислар сўраб мурожаат қилса ажаб эмас.

«Юнусобод» теннис масканида қурилиш ишлари давом этарди. «Президент Кубоги» халқаро мусобақасининг нуфузи ошиб, АТР тур туркумига киритилиши муносабати билан навбатдаги бунёдкорлик ишлари бошланди. Энди 8 ой ичида 2880 ўринли ёпиқ теннис кошонаси қурилди ва тўртта очиқ корт хардлаштирилди.

Йўлбошчимиз «Президент Кубоги» тўртинчи халқаро мусобақасининг тантанали очилиш маросимида юртимизда теннисни ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишларни юқори баҳолади:

— Мана шундай қисқа муддат ичида спортнинг бу жозибали ва гўзал тури Ўзбекистон аҳолиси, энг аввало ўсиб келаётган ёш авлод ўртасида энг оммавий ва сеvimли машғулотларидан бирига айланиб қолди. Тошкент эса, ҳақиқатан ҳам жаҳондаги теннис яхши ривожланган, спортчилар ва катта теннис муассисларининг диққатини тортадиган, нуфуздор мусобақаларни ўтказиб туриладиган марказлардан бирига айланган.

2007
K. ZHANG
UNITE-RESURSA
Abborot-resurstan

Ҳозирги кунда 8 гектардан зиёд жойни эгаллаган «Юнусобод» теннис клубида 3 та ёпиқ ва 8 та очик корт эл хизматида. Бундан ташқари, бассейн, умум-жисмоний тайёргарлик хоналари, бильярдхона, меҳмонхона, Бахт уйи, гўзаллик салони, стоматология поликлиникаси, савдо дўконлари ва ошхоналарда намунали хизмат йўлга қўйилган. Клубнинг ўз иссиқхонаси ва чорва фермаси бор. Хуллас, клуб ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш борасида ибратли тажрибалар тўплади.

Ёпиқ кошонада теннис бўйича Дэвис кубоги, мамлакат биринчиликлари, эркин кураш ва юнон-рум кураши бўйича «Мустақиллик кубоги», кураш бўйича жаҳон ва Осиё чемпионатлари, профессионал ва ҳаваскор боксчилар ўртасидаги мусобақалар, «Ўзбекистон» акциядорлик компанияси ходимларининг касб байрамлари ва бошқа тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Албатта, «Юнусобод» теннис клубининг муҳташам кошонасида ўтказиладиган тадбирларнинг гултожи «Президент Кубоги» халқаро мусобақаларидир. Уларда Буюк Британия, Франция, Германия, Россия, Италия каби ўнлаб ривожланган давлатларнинг биринчи ракеткачилари ғолиблик учун кураш олиб бориши дунё теннис жонкуярларининг ҳавасини келтирмоқда. Ҳатто, хорижлик теннис жонкуярлари ўртасида: «Кимки бу турнинг келажагига шубҳа билан қараса, Ўзбекистонга бориб теннис тараққиётидаги юксалишни кўрсин», деган қанотли ибора пайдо бўлди.

АТР тур ижрочи директори Майкл Майлз юрти-миздаги теннис ривожини кўриб ҳайратга тушди, фикр қилиб бу юксалишлар моҳиятини англади ва «Президент Кубоги» еттинчи халқаро мусобақаси очилиш маросимида ҳис-ҳаяжонини шундай изҳор этди:

— Чин юракдан айтаяпман, сизнинг Президентингиз, менинг назаримда дунёдаги биринчи рақамли теннис жонкуяридир!..

«Президент Кубоги» деб аталиш ўхшаши йўқ гўзал мусобақамизнинг дунёда ҳам ўхшаши йўқдир. Унинг теннис оламида нуфузи баланд АТР тур мусобақалари ичида 1999 ва 2000 йилларда кетма-кет икки марта «Йилнинг энг аъло мусобақаси» деб тан олинishi фикримизнинг исботидир. Биз Ўзбекистонимизнинг довуғини дунёга таратаётган шундай ажойиб мусобақамиз борлиги билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

БИЗ ШАРҚЛИКМИЗ, ОСИЁЛИКМИЗИ

1994 йил 2 октябрь. Хиросима шаҳрида 12 — Осиё ўйинларининг тантанали очилиш маросими давом этмоқда. Қитъамизнинг нуфузли мусобақасида биринчи марта қатнашаётган Ўзбекистон спорт делегацияси ҳам Ватанимиз байроғи остида марказий ўйингоҳга шахдам қадамлар билан кириб келишди. Спортчиларимиз эғнидаги чиройли либосининг ўнг кўкрагига Гербимиз акси туширилган, елкасида эса «Uzbekistan» ёзуви яққол кўзга ташланади, азиз бошларида эса ўзбекона дўши! Хуллас, спортчиларимизни ўзларининг кенг даврасида илк бор кўраётган қитъадошларимиз бизнинг шарқлик, осийлик эканимизга бир зумда амин бўлишди.

Осиё Олимпия кенгаши президенти Шайх Аҳмад ал-Фаҳад ас-Сабоҳ қутлуғ қадамимизни табриклайди: «Мен дўстлик ва тинчлик шаҳри — Хиросимада тўпланган иштирокчиларнинг спорт орқали Осиё равнақига катта ҳисса қўшишига ишонаман. Марказий Осиё беш республикаси вакиллариининг Хиросимадаги қатнашуви ушбу тинчлик анжуманига ўзгача шуур бағишлайди».

Ҳа, юртимизнинг 120 нафар сара спортчиси шундай нуфузли мусобақада биринчи марта мустақил давлат бўлиб, Ўзбекистон бўлиб иштирок этаётганди. Айниқса, футбол ва чим хоккей каби спорт ўйинлари турларида жамоаларимиз борлиги юрдошларимизга бўлган ҳурмат-эътиборни оширди. Албатта, футболчиларимиздан умидимиз катта эди. Чунки Вазирлар Маҳкамаси шу турни тараққий эттириш мақсадида 1993 йил 18 мартда «Ўзбекистонда футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарор қабул қилганди. Президентимиз Ислоҳ Каримов мазкур қарор асосида чоп этилаётган «Ўзбекистон футболлари» газетасининг 1-сонига табрик йўллаб, футболчиларимизга юксак ишонч билдирди: «Фурсат келди, энди ўзбек футболлари ҳам жаҳонда ўз мавқеини топиши керак».

Футболчиларимизга Президентимиз ишончини оқлашлари учун қулай имконият туғилганди. Улар 12 — Осиё ўйинларига пухта ҳозирлик кўришди. 1994 йил баҳорида «Тошкент халқаро турнири»да, кузида эса «Мустақиллик кубоги»да ғолиб чиқишиб, олий даражадаги вазифаларни бажаришга қодир эканликларини исботлашди. Терма жамоа бош мураббийи Рустам Акрамов ва мураббий Биродар Абдураимов энг яхши спорт маҳоратига эга 17 нафар футболчини кунчиқар мамлакатга олиб кетишди. Дарвозабонлар — Бердах

Оллониёзов, Юрий Шейкин; ҳимоячилар — Февзи Давлетов, Фарҳод Магомедов, Улуғбек Рўзимов, Александр Тихонов, Андрей Фёдоров; ярим ҳимоячилар — Степан Атоян, Абдусамат Дўрмонов, Сергей Лебедев, Абдуқаҳҳор Маъруфалиев Илҳом Шарипов, Миржалол Қосимов; ҳужумчилар — Азамат Абдураимов, Рустам Дўрмонов, Шухрат Мақсудов, Игорь Шквирин. Уларнинг юдузлари Японияда чарақлашини дил-дилдан истадик.

1994 йил 1 октябрь. Хиросима яшил майдонига Ўзбекистон терма жамоаси ва ўша йили АҚШда ўтган жаҳон чемпионатида шов-шувли натижага эришган Саудия Арабистони футболчилари тушишди. Саудияликлар Америкада аввалига голландияликларга ютқазишди, кейин Марокаш ва Бельгия футболчиларини енгишиб нимчорак финалга чиқишди. Бу босқичда улар жаҳон чемпионати якунида бронза медалини қўлга киритган швецияликларга ўйинни бой беришди. Шубҳасиз, гуруҳда Саудия Арабистони пешқадам ҳисобланарди. Учрашувда мураббийларимиз танлаган «рақиб ўйинчиларини майдонда таъқиб этиш ва қарши ҳужум уюштириш» усули ўзини тўла оқлади. Рақиблари ҳужумини бартараф этган футболчиларимиз тезкорлик билан олдга ташланишди. Шундай ҳужумлар натижасида биринчи бўлимнинг ўзида рақиб дарвозасига тўртта тўп киритилди. Иккинчи бўлим охиридагина саудияликлар битта жавоб тўпи йўллашди. Ушбу ғалаба Ўзбекистон футболчи шухратини бир зумда оламга ёйди.

Икки кундан кейин гуруҳ пешқадамлигига яна бир даъвогар — Малайзия терма жамоаси футболчиларимиз томонидан 5:0 ҳисобида тор-мор қилинди. Бу ғалабалар футболчиларимизни амалий жиҳатдан чорак финалга олиб чиққанди. Кейинги учрашувларда Гонконг (1:0) ва Таиланд (5:4) футболчилари устидан қозонилган ғалабалар гуруҳдаги пешқадамлигимизни таъминлади.

Туркменистонликлар билан бўлган чорак финал учрашувида футболчиларимиз ўз анъаналарига содиқ қолишиб, биринчи бўлимда рақиб дарвозасига учта жавобсиз тўп йўллашиб ғолиблик масаласини ҳал этиб кўйишди. 13 октябрь куни корейликлар билан ўтказилган ярим финал ўйини ҳамон ёдимизда. Ахир, жанубий корейликлар чорак финалда Осие ўйинлари ғолиблигига асосий даъвогар японияликларни мағлубиятга учратишганди. Россиялик машҳур мураббий Анатолий Бишовец корейликларни мусобақага яхши тайёрлаганди. Лекин Рустам Акрамов футболчиларимизни мусобақага ундан-да яхшироқ тайёрлагани маълум бўлиб қолди. Учрашув бошланиши билан корей-

ликлар кутилгандек хужумга ташланишди. Аҳил жамоамиз рақиб хужумларини йўққа чиқаришдан чарчамади. Дарвозабонимиз Юрий Шейкин бор маҳоратини ишга солди. Ниҳоят, ўйиннинг 65-дақиқасида Азамат Абдураимов жамоамиз жасорати учун тақдир тухфа этган голини киритди. Шундай кейин корейликлар хужуми шиддатли тус олди. Футболчиларимиз бир тан-у бир жон бўлишиб дарвозамиз дахлсизлигини сақлашди.

1994 йил 16 октябрь. Хиросимадаги бош майдонга 12-Осиё ўйинларининг сўнгги икки медали эгаларини аниқлаш учун Ўзбекистон ва Хитой футболчилари чиқишди. Бунгача Хитой вакиллари 298 та (137 та олтин, 91 та кумуш, 60 та бронза) медаллар шодасини қўлга киритишиб, умумякунда 1-ўринни эгаллаб бўлишганди. 34 та турнинг атиги 21 тасида қатнашган юртдошларимиз эса 39 та (9 та олтин, 11 та кумуш, 19 та бронза) медаль билан фахрли 5-ўриндан жой олишганди. Бу учрашув тантанали ёпилиш маросимидан олдин ўтказилаётгани учун мухлислар билан тўлган ўйингоҳга 12-Осиё ўйинларига келган барча жаҳон спорти мутасаддилари, мутахассислар, мураббийлар, спортчилар, журналистлар, эътиборли меҳмонлар ташриф буюришганди. Етакчи телекомпаниялар ўйингоҳдан тўғридан-тўғри кўрсатувлар олиб борарди.

Майдонда Ўзбекистон ва Хитой футболчилари. Учрашувнинг 3-дақиқасида Игорь Шквирин ҳисобни очди. 9-дақиқада Сергей Лебедевнинг кучли зарбаси ҳисобни 2:0 га етказди. Хитойликлар 16-дақиқада ҳисобдаги фарқни қисқартиришди. Биринчи бўлим охиригача майдондаги кескин кураш бир зум тинмади. Иккинчи бўлим бошланиши билан Азамат Абдураимов пенальтини аниқ бажарди — 3:1. 50-дақиқада хитойликлар яна битта жавоб тўпи йўлади — 3:2. Кейинги ярим соат давомида футболчиларимиз мардлик кўрсатишди. Захирадан майдонга тушган Шухрат Мақсудов 82-дақиқада хитойликлар дарвозасига тўп киритди — 4:2. Бу гол хитойликлар қаршилигини синдирди.

ФАЛАБА! Ўзбекистон футболчилари 12-Осиё ўйинлари чемпиони! Шухрат Мақсудов Ватанимиз байроғини кўтарганча югуриш йўлкаси бўйлаб чопиб кетди. Мухлислар футболчиларимизни, Ўзбекистонни олқишларди. Барча вакилларимизни табриклар экан: «Осиё ўйинларини хитойликлар эмас сизлар ютдингизлар», «12-Осиё ўйинларининг ҳақиқий голиби Ўзбекистон бўлди», дея таъкидлашарди. Кейин 12-Осиё ўйинлари тантанали ёпилиш маросимида келган юз мингдан зиёд қатнашчи, миллионлаб телетомошабин кўз ўнгида фут-

болчиларимизга олтин медаллар топширилди, уларнинг ғалабаси шарафига Ватанимиз байроғи кўтарилди, Давлат мадҳиямиз янгради!

12-Осиё ўйинлари қаҳрамонлари Тошкент аэропортида тантанали кутиб олинди ва улар жойларда ҳам шарафланди. Кўп ўтмай Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир гуруҳ спортчи ва устозларни мукофотлаш тўғрисидаги Фармони эълон қилинди. Фармонга кўра 12-Осиё ўйинлари ғолиблари ҳукуматимизнинг бир йўла икки олий мукофотига — ҳам «Хизмат кўрсатган спортчи» ёки «Хизмат кўрсатган спорт устози», ҳам «Шуҳрат» медалига сазовор бўлишганди.

Ватаннинг олий мукофотларини топшириш маросимида ғолиблар олқишларга кўмилди, бири-биридан чиройли мақтовлар айтилди. Япониянинг ўша вақтдаги Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Укэру Магосакининг қуйидаги ҳикматли гаплари барчани руҳлантириб юборди: «Япония Иккинчи жаҳон урушидан кейин ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий қийинчиликларни бошдан кечираётган пайтда спортчиларимиз нуфузли мусобақада ғолиб чиқишди. Уларнинг олтин медаллари қалбларимизда умид уйғотди, келажакка бўлган ишончимизни мустаҳкамлади. Спортчиларимиз уйғотган шу умид, шу ишонч туфайли биз ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олдик. Шу боис спортчиларингизнинг Осиё ўйинларидаги муваффақияти қалбларингизда умид ва келажакка бўлган ишончни мустаҳкамлашига имоним комил. Сизлар ҳам тез орада ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин оласиз».

Дарҳақиқат, ғолиб спортчиларимизга қарар эканмиз ҳар биримиз буюк давлат қуришимизга имон келтирдик. Чунки буни футболчиларимиз, боксчиларимиз, байдаркачиларимиз, енгил атлетикачиларимиз дунёнинг Япония, Жанубий Корея, Хитой каби ривожланган давлатлар спортчиларини ортда қолдиришиб исбот этишди. Президентимиз таъбири билан айтганда, 12-Осиё ўйинларида намойиш этилган футбол соғлом авлодни тарбиялашга, халқнинг руҳини кўтаришга, ёшларни тарбиялашга хизмат қилди.

Юртбошимиз бир йилдан кейин бўлган йиғинда футболчиларимиз ютуғига алоҳида тўхтади ва бу оламшумул ғалабанинг моҳиятини очиб берди: «Шу ўринда ўтган йили Хитойга қилган сафаримизни яна бир марта эслаб ўтмоқчиман. Расмий сафар арафасида миллий футбол командамиз хитойлик рақибларини енгиб, Осиё ўйинлари чемпиони бўлган эди. Сафар чоғида бизнинг делегациямизни хитойликларга таништиришга эҳтиёж туғилгани йўқ. Қаерга бормайлик, ҳукумат

қабулдан тортиб, оддий фирмалар жамоасига қадар, ҳамма-ҳаммаси бизнинг футболчиларимиз ютуғини албатта эслатиб ўтишди.

Сиз энди бир тасаввур этинг. Хитойда салкам бир миллиард икки юз миллион одам яшайди. Биргина футбол ўйини туфайли бизнинг ёш мустақил давлатимизни дунё аҳолисининг бешдан бир қисми таниди, билди, бизга қавас қилди».

Ўша шукуҳли кунларда Рустам Акрамов билан суҳбатлашдик.

— 12-Осиё ўйинларида уч йиллик машаққатли меҳнатларимизнинг самарасини кўрдик, — деди у. — Мана шу уч йилда бизни қўллаб-қувватлаган Президентимизга, ҳукуматимизга, миллионлаб мухлисларимизга раҳмат. Мен 12-Осиё ўйинлари финали тугаши билан хаёлга чўмдим: энди биз Осиёда биринчимиз, Ўзбекистон аталмиш спорт мамлакатининг вакилларимиз! Хўш, биз қайси йўлдан борамиз?..

Футболчиларимиз ғалабасидан сармаст юрган кезларимизда Вазирлар Маҳкамасида мамлакатимизда футболни янада ривожлантириш масалаларига бағишланган мажлис бўлди. Унда Президентимиз футбол мутасаддилари, футболчилар олдида турган вазифаларни белгилаб берди. Ушбу мажлисда билдирилган қимматли фикрлар Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 17 январда қабул қилган «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида ўз ифодасини топди.

Бизнинг ғалабаларимиз олдинда. Президентимиз таъкидлагандай: «Энди биз футболчиларимизнинг янги авлодини тайёрлашимиз ва тарбиялашимиз лозим. Ватанимиз спортининг халқаро нуфузини ошириш борасида кўп ишлашимиз лозим». Ишончимиз комил, ўзбек футболининг янги авлоди вояга етади ва улар 12-Осиё ўйинлари қаҳрамонлари қўлидан Ватанимиз музаффар байроғини олишади!

ЎЗИМИЗНИНГ АРТУР

Нима учун Америка Қўшма Штатлари (АҚШ) қудратли давлат? Менимча, унинг қудрати халқининг аҳиллигида, миллатидан қатъи назар «Мен АҚШ фуқаросиман», дея ғурурланишида. Ҳар бир АҚШ фуқаросининг давлат қудратини ошириш йўлида астойдил меҳнат қилишида, мамлакат шаънини ҳимоя этиш ва шухратини юксалтириш учун курашишида, керак пайт жасорат, ватанпарварлик кўрсатишида!.. Мустақиллик

йилларида Ўзбекистонимизнинг қутлуғ заминида истиқомат қилаётган ҳар бир юртдошимиз қалбида ватанпарварлик туйғуси шаклланди, камолга етди. Профessional бокс бўйича ўн беш қарра жаҳон чемпиони Артур Григорян халқаро майдонда Ўзбекистонимиз шухратига шухрат қўшаётган ана шундай ватанпарвар юртдошларимиздан биридир.

Ҳаваскорлик боксида Яхши ният ўйинлари ғолиби, жаҳон чемпионатининг кумуш медали соҳиби Артур Григорян 1993 йил Финляндияда бўлган жаҳон чемпионатида муваффақиятсиз қатнашгач, professional боксга ўтишга қарор қилди. Аввал у Германиянинг Галле шаҳридаги ҳаваскор боксчилар клубига аъзо бўлиб, professional бокс ҳадисини олди. 1994 йил 4 март куни эса Гамбургдаги «Универсум бокс промошн» professional бокс клуби билан 3 йилга шартнома имзолади. Маълумки, professional боксда жаҳон чемпионига рўпара келиш учун белгиланган сондаги «жанг»лар ўтказиши ва уларда кўрсаткичларини яхшилаб бориши лозим. Артур бу синовлардан аъло даражада ўта бошлади.

1995 йил 1 апрель. Артур Бутунжаҳон бокс ташкилоти (WBO) таснифи бўйича 61,2 кг вазн тоифасида қитъалараро чемпионлик учун «жанг»га чиқиши керак. Айрим ишбилармонлар Германияда «Қирол» номи билан машҳур бўлишга улгурган Артурни ўз давлатлари байроғи остида чиқишга даъват этишди. Артур уларнинг таклифларини рад этиб, эрталабдан Германиянинг бошқа шаҳрида жойлашган Ўзбекистон элчихонасидан Ватанимиз байроғи ва давлат мадҳиямиз ёзилган кассетани олиб келиш учун жўнади. Элчихонамизга бориб вазиятни тушунтирди, Ватанимиз рамзларини олиб мусобақа жойига етиб келди. «Жанг» бошланиши олдида таомилга кўра муҳташам саройда Ватанимиз байроғи кўтарилди, Ўзбекистон шаъни учун «жанг»га човланган Артур Григорян шарафига давлат мадҳиямиз янгради.

— Беихтиёр кўксим ғурур-ифтихорга тўлди, кўзларимда қувонч ёшлари пайдо бўлди, — дея ўша лаҳзаларни эслайди Артур. — Ҳаяжонимни ўзгаларга сездирмаслик учун бокс кўлқопларимни кўзларимга босдим. Кейин менинг «бурчагим»га ўрнатилган байроғимизни ўқдим, ўзимни енгил ҳис қилиб, «жанг»га ташландим.

Ҳа, шердай «жанг»га ташланган Артурни рақибни тўхтатишга қодир эмасди. Иккинчи раундда Артурнинг зарбаларидан рақиб икки бор ноқдаун ҳолатига тушди, еттинчи раундда яна шундай ҳол так-

роланди. Саккизинчи раундда ҳолдан тойган рақибни енгилганини тан олди. Бу ғалаба Артурга қитъалараро чемпионлик унвонини бериши билан бирга жаҳон чемпионлиги учун курашишига катта имконият эшикларини очди.

Артур шодлигини баҳам кўриш учун Ўзбекистонга шощди. Ғалабасидан руҳланган юртдошларимиз табригидан, уларнинг чехрасидаги табассумдан куч олди. Айниқса, Президентимиз Ислон Каримовнинг эсдалик совғалари топширилиши унинг кўнглини тоғдек кўтарди. Кўкси ғурур-ифтихорга тўлган Артур профессионал боксдаги навбатдаги «жанг»ларини ўтказиш учун Германияга жўнаб кетди.

1996 йил 13 апрель. Артур WBO таснифи бўйича 61,2 кг вазн тоифасида жаҳон чемпионлиги учун бўладиган «жанг»га тайёргарлик кўраяпти. Германияда истиқомат қилаётган арман миллатига мансуб ишбилармонлар Артурдан Арманистон байроғи остида рингга чиқишини илтимос қилишди, бунинг эвазига катта мукофот ваъда беришди.

— Тўғри, мен арманман, лекин Ўзбекистон фарзандиман, — дея қатъий жавоб берди Артур. — Ўзбекистонда туғилдим, вояга етдим. Ватаним олдидаги фарзандлик бурчимни бажаришим шарт. Мен ҳар доим Ўзбекистоним номидан «жанг»га чиқаман.

Шундан кейин бошқа пулдорлар Артурни ўз давлатлари номидан «жанг» қилишга даъват этиб кўришди. Уларга ҳам Артур қатъий жавоб берди:

— Мен ўз Ватаним байроғи остида рингга тушаман!

Учрашув олдидан Гамбургдаги муҳташам спорт саройида Ватанимиз байроғи кўтарилди, давлат мадҳиямиз янгради ва рингга кескин «жанг» бошланди. Чунки пуэрто-риколик Антонио Риверо анойи боксчи эмасди. У 33 ёшда бўлиб профессионал боксда 45 бор «жанг»га чиқиб, 36 тасида ғалаба қозонганди. 8 марта жаҳон чемпионлиги учун рингга чиқиб, икки бор Халқаро бокс федерацияси (IBF) таснифи бўйича жаҳон чемпиони бўлганди.

Ҳақиқатан ҳам рингга тенг кураш борарди. 11-раундга келиб Артур бир оз устунликка эришди. Бироқ 12-раундда Артур бехосдан сирпаниб йиқилди. Шундай ҳам Риверога қарашаётган ҳакам нокдаун ҳисоблаб, санай бошлади. Артур соатта қаради, «жанг» тугашига бор-йўғи 30 сония вақт қолганди. Ҳакамлар саноғига «жанг» тақдирини қолдирмаслик учун Артур олдга ташланди ва рақибига кетма-кет учта зарба берди. Нокаут ва Артур Григорян жаҳон чемпиони!

Бу ғалаба барча юртдошларимизни тўлқинлантириб юборди. Президентимиз Ислон Каримов ғалабаси муносабати билан Артурга табрик йўллади. Унда, жумладан шундай дейилади: «Мен сенинг дунё аҳамиятига молик нуфузли мусобақадаги ғалабанг ҳақида эшитиб, беҳад қувондим. Ер куррасида ўз вазни бўйича кучли боксчи унвонини қўлга киритиш — бу чинакам спорт жасорати, бу ҳақиқий улкан муваффақиятдир.

Сенинг шарафингга Ватанимиз байрогининг кўтарилиши, Ўзбекистон мадҳиясининг янграгани республикамизнинг барча спорт мухлислари қатори менда ҳам юксак ғурур ва умидбахш туйғулар уйғотди.

Сен ўзингнинг ажойиб ғалабанг билан нафақат ёш мустақил давлатимизнинг халқаро майдондаги обрўини баланд кўтардинг, балки ўзбек спорти шарафига шараф, шонига-шон, кўшдинг...»

Пойтахтимиздаги МХСК ўйингоҳида футбол учрашуви олдидан жаҳон чемпиони Артур Григорянни шарафлаш маросими ўтказилди. Унга минглаб томошабинлар гулдурас қарсақлари остида Президентимизнинг табрикномаси ва совғаси топширилди. Артур кўрсатилган иззат-икром учун миннатдорлик билдирди. Кейин ўйингоҳ бўйлаб чемпионлик давравий югуришини бажо этди.

— Мен жаҳон чемпиони бўлганимни бугун тўла хис этдим, — деди ҳаяжонланиб Артур. — Юртимизда бунчалик эъозланишим ҳаёлимга ҳам келмаганди. Минглаб томошабинлар кўз ўнгида Президентимизнинг табрикномаси ўқиб эшиттирилиши, Юртбошимиз совғаларининг тантанали топширилиши ҳаётимдаги энг бахтли, унутилмас дақиқалар бўлиб қолади.

Кузда Артур жаҳон чемпиони унвонини АҚШ боксчиси Жин Ридга қарши ўтказилган «жанг»да муваффақиятли ҳимоя қилди. У рақибини иккинчи раунддаёқ нокаутга учратди. Одатига кўра Тошкентга дам олгани келган Артур Олимпия шон-шухрати музейида журналистлар билан учрашди. Берилган саволларга жавоблари зарбаларидай «қалбларга аниқ тегди»:

— Профessional боксда осон ғалаба бўлмайди, менинг энг қийин «жанг»ларим ҳали олдинда. Насиб этса, жаҳон чемпиони унвонимни уч марта ҳимоя қилиб, менга абадий бериладиган «олтин камар»ни шу Олимпия шон-шухрати музейимизга тақдим этаман...

Дарҳақиқат, Артур ўз сўзининг устидан чиқди. Аммо бу унга хамирдан қил суғургандай осон кўчгани йўқ. Учинчи «жанг»да у АҚШ вакили Марти Якубовски билан учрашди. Марти 7 йил давомида 98 та «жанг» ўтказиб, 96 тасида ютганди. Ўша икки мағлубияти жа-

ҳон чемпионлиги учун бўлган «жанг»да рўй берганди. Шу боис у учинчи уринишда албатта жаҳон чемпиони бўлишини айтганди. Аммо 12 раунддан иборат қийин «жанг»да юртдошимиз очколар ҳисобида ғалаба қозонди. Тўртинчи «жанг»да Артур аргентиналик Раул Балдини 11-раундда нокаут қилди.

Ҳозирги кунда Артурнинг ғалабаларига кўникиб қолдик. Бироқ бу ғалабаларни у ҳар сафар олдингисидан қийинроқ «жанг»ларда қўлга киритяпти. Чунончи, бешинчи «жанг»да юртдошимиз қўли жароҳатланган бўлишига қарамай АҚШ вакили Дэвид Армстронгга қарши рингга чиқишга мажбур бўлди. 12 раунд давомида оғриққа дош бериб жароҳатланган қўли билан рақибига зарба берди, ўзини ҳимоя қилди ва очколар ҳисобида ютуққа эришди. Бу ғалабадан кейин Артур Тошкентга кечикиброқ келди. Ўтган вақт ичида қанчалик даволанмасин жароҳатланган қўлини елкасига боғлаб олганди.

Шу кунгача Артур профессионал боксда 33 та «жанг» ўтказиб, барчасида ғалаба қозонди. 21 тасида рақиблари муддатидан илгари таслим бўлишди. У жаҳон чемпиони деган юксак унвонини сақлаб қолиш учун юқорида қайд этилган боксчилардан ташқари навбатма-навбат Марк Рудольф (Германия), Жорж Кампанело (Италия), Оскар Гарсия Кано (Испания), Майкл Кларк (АҚШ), Вилсон Галле Энрике (Уругвай), Сандро Казидуно (Италия), Золтан Колаксай (Венгрия), Антонио Петроило (Колумбия), Хосе Архел Перес (Испания) ва Алди Назарини Риос (Аргентина)ни мағлубиятга учратди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларига кўра Артур Григорян профессионал боксдаги улкан муваффақиятлари учун «Меҳнат шухрати» ордени, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони ва «Ўзбекистон ифтихори» Фахрий унвони билан мукофотланди ҳамда Юртбошимизнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

— Президентимиз, халқимиз назарига тушишнинг ўзи мен учун шараф. Мени севиб суяйдиган Ўзбекистоним борлигидан ҳаминша фахрланаман, — дейди салимийят билан Артур.

Чунки у юртимиз спорти тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган оламшумул ғалабалар қозонган бўлишига қарамай, ҳамон Ўзбекистонимиз шонига-шон қўшиш учун белимга «олтин камар» боғлаб хизмат қилиш менинг фарзандлик бурчим, дейдиган ўзимизнинг Артурдир!

БАЙРОҒИМИЗ «ДУНЁ ТОМИ»ДА ҲАМ ҲИЛПИРАДИ

Барча мамлакатда ҳукумат уйлари томида давлат байроғи ҳилпираб туради. Лекин давлатларнинг байроғи қадаладиган умумий «дунё томи» — Ер юзидаги энг баланд Эверест (Жомолунгма) чўққиси ҳам бор. Ҳукумат уйи томида байроқнинг ҳилпираши мустақиллигидан далолат берса, «дунё томи»га байроқнинг қадалиши давлатнинг салоҳиятини жумлаи жаҳонга намойиш этади. Чунки муз қоплаган, бўронлар тинмайдиган қияликлар орқали Эверестга кўтарилишни, ҳатто тажрибали альпинистлар ҳам уйдалаши қийин.

Ҳимолай тоғидаги баландлиги 8848 метр бўлган Эверест чўққиси Хитой ва Непал давлатлари чегарасида жойлашган. Чўққи абадий музликлар билан қопланган, йил ўн икки ой қор бўронлари кўзни очирмайди, юқори қисмида нафас олишга ҳаво — кислород етишмайди. Бу чўққини забт этиш ҳар бир альпинистнинг юксак орзуси бўлишига қарамай 1953 йилдагина янги-зеландиялик Эдмунд Хиллари ва непаллик Норгэй Тенцинг илк бор Эверестга кўтарилишди. Ўтган йилларда бундай бахт санокли альпинистларгагина кулиб боқди. Эверестга кўтарилишни ният қилган қанча альпинистлар экспедицияси ярим йўлдан, баъзан шундоқ чўққи ёнидан қайтишга мажбур бўлишган, айримларининг сафари фожеали якунланган.

Ватанимиз альпинистлари Эверестни забт этиш орзуси билан мустақиллик йилларидагина чинакамига яшай бошлашди. Дунёнинг кўплаб чўққиларини забт этишга улгурган альпинистларимиз эзгу мақсадларига етиш учун астойдил бел боғладилар. Улар 1997 йилга келиб 7 минг метрдан баланд Хон Тангри, Галаба каби чўққиларга кўтарилишиб, тажрибаларини оширишди. Олисларда эса Эверест жилваланарди.

Альпинистларимизнинг Эверестни забт этишига боғлиқ ташкилий масалалар «Интерпробизнес» АҚШ корпорацияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон альпинизм ва қоягирлик федерацияси ҳамда бошқа ҳомий ташкилотлар, саховатпешалар томонидан тўлиқ ҳал қилинди. Ниҳоят, альпинистлар экспедициямиз 1998 йил 28 мартда Тошкентдан Ҳиндистонга учишди. Улар автобуслар, машиналар ёрдамида керакли жиҳозлар, озиқ-овқатлар захираси билан Ҳимолай тоғи этакларига етиб келишди.

Бизнинг экспедициямиз Эверестга Тибет орқали кўтарилишни мақсад қилиб қўйганди. Чўққи сари да-

дил одимлаётган альпинистларимиз иқлимга мослашиш учун 5200 метр баландликдаги Ронгбук музликларига палаткаларини қуришди. Экспедициямиз врач Олг Карабаев иқлимга мослашиш жараёни асоратсиз кечиши учун бор тажрибасини ишга солди. Негаки шу баландликда ҳам ҳаво 6—8 даража совуқ бўлиб, альпинистларнинг нафас олиш йўлларига зарар етиши мумкин эди. Бу музликларга юртдошларимиздан ташқари 12 давлатдан келган 15 та альпинистлар экспедицияси ўз палаткаларини тикишганди. Барчаси Эверестни забт этишни кўзлашаётганди.

Иқлимга мослашиш даври тутагач, экспедициямиз 17 апрелда 6200 метр баландликда асосий қароргоҳини бунёд этиш учун йўл олди. Ҳар бир экспедиция аъзосига кўтариши учун 60 кг юк берилди. Икки кун давомида палаткалар қурилиб, қароргоҳ ишлаш учун тайёр ҳолатга келтирилди. 19 апрелдан бошлаб альпинистларимиз гуруҳларга бўлинган ҳолда навбатма-навбат 7000, 7700 ва 8200 метр баландликларда оралик масканларини ҳозирлаш учун кўтарилишди.

Агар биргина кислород баллонининг оғирлиги 5 кг эканлигини, музли қияликларда ҳар бир грамм ортиқча юк альпинистга катта ташвиш туғдиришини ҳисобга олсангиз экспедициямиз нақадар оғир вазифани бажараётганини кўз олдингизга келтиришингиз қийин эмас.

Кутилгандек, ҳавонинг авзои бузилди. Шамол бўронга айланди. Барча альпинистлар палаткаларда жон сақлашди. Бўронга айрим экспедицияларнинг палаткалари дош бермади. 3 майда бўрон тинди. Яна альпинистларимиз 7700 метр баландликдаги масканимизга керакли юкларни ташишди. Хитойлик ва непаллик синоптикларнинг Эверестни забт этиш учун 6 май куни қулай об-ҳаво бўлади, деган тахминлари альпинистларни сергаклантирди. 6 май куни эрталаб 8200 метр баландликда бўлган 2 нафар словакиялик ва 3 нафар хитойлик альпинист чўққи сари юришди. Улар 8500 метр баландликдан юқорига кўтарилишга ботина олмай орқага қайтишди. Бу вақтда бизнинг альпинистларимиз 7700 метр баландликда эди. Экспедициямиз раҳбари Анатолий Шабанов альпинистларимизга зудлик билан қароргоҳга қайтиш тўғрисида буйруқ берди. Яна ўн кун давомида довул тинмади. Қўшни экспедицияларнинг ўнга яқин палаткасини довул учуриб кетди.

— Олоҳдан довул бизнинг палаткаларимизни учуриб кетмаслигини ёлвориб сўрадик, — дея ўша кунларни эслайди Рустам Ражабов.

15 май куни эрталаб Ражабов, Баскакова ва Соколов яна йўлга чиқди. Уларнинг ҳар бирида 25 кг. дан юк бор эди. Катта қийинчилик билан 7000 метр баландликдаги масканга чиқишиб, дам олишди. 16 май куни эрталабдан яна йўлга. Аввал 7700 метр баландликка, кейин 8200 метр баландликка кўтарилишди. 8100 метр баландликдан бошлаб кислород баллонидан нафас олишга ўтишди. Улар 17 май куни 8200 метр баландликда палатка ўрнатишди. Эверестга қўл узатса етади. Бироқ жамоа сардори Олег Григорьев асосий қароргоҳга қайтиш тўғрисида буйруқ берди. Альпинистлар жамоа раҳбари ва сардорининг буйруғини сўзсиз бажаришга ўрганишган. Сабаби тоғда альпинистнинг ножўя бир қадами ҳалокатга олиб келиши мумкин. Яна альпинистларимиз асосий қароргоҳга қайтиб, уч кун дам олишди.

Ҳимолай тоғи май ойи охиридан сентябрь ойигача Ҳинд океанидан келадиган муссон оқими таъсирида бўлади. Бу вақтда Эверестни забт этиш мумкин эмас. Шу боис энг баланд чўққини забт этиш иштиёқда ёнаётган альпинистларимизга дам олиш татимади. 21 май куни эрталабдан Ражабов, Баскакова, Соколов, Григорьев ва Усаев чўққи сари юзланишди. Улар 7700 метр баландликдаги палаткамизга муваффақиятли етиб келишди. Рустам эса тўхтамасдан йўлни давом эттириб, соат 23.30 да 8200 метр баландликдаги палаткамизга етиб олди. У сўнгги ҳужум олдидан куч тўплаши керак. Қорни эритиб чой қайнатди. Бунга тўрт соатдан кўпроқ вақт кетди. Палатка ҳам бир оз исиди. Қотган нон ва пишлоқ тановвул қилди. Кейин бутун фикри-зикрини чўққини забт этишга қаратди.

— Мен чўққига кўтарилишим шарт. Тақдир менга шундай имкониятни инъом этди. Бундай имкониятдан фойдаланмаслигим гуноҳдир, — дея ўйлади Рустам.

Рустам 22 май куни эрталаб соат 8.00 да Эверест сари кўтарилди. Ҳар бир метр баландлик қийинчилик билан олинди. Кўтарилган сайин шамолнинг тезлиги ошаётгани сезилиб турарди. Ўзбек баҳодири эса сабрматонат билан қаричма-қарич юқорига интилди. Маҳаллий вақт билан соат 16.45. «Дунё томи» ўзбек фарзандининг оёқлари остида, юқорида фақат осмон! У байроғимизни «дунё томи»га мустаҳкам қилиб ўрнатди. Эсдалик ва чўққига чиққанини тасдиқлаш учун «Кодак» фотоаппаратини олиб суратга туширди. Бу вақтда 5200 метр баландликда жойлашган непаллик альпинистлар 60 марта катталаштириб кўрсатадиган кузатиш асбобида Рустамнинг Эверестга кўтарилгани-

ни кўриб туришганди. Рация орқали Рустам асосий қароргоҳимизга хабар берди:

— Мен чўққидаман!..

Баъзан шу икки сўзни айтиш учун бир альпинист умри етмайди. Ўша кун бу икки сўзнинг «дунё томи»дан янграши экспедициямизга ғолибона руҳ бахшида этди, Мустақил Ўзбекистонимизни жаҳон ҳамжамиятлари ўртасида Эверест қадар улуғлади. Дарҳол, Эверест чўққиси забт этилгани тўғрисида Ўзбекистон Президенти номига телефонограмма жўнатилди.

Энди Рустам пастга туша бошлади. Соат 21.30 да 8200 метр баландликдаги палаткамизга эсон-омон қайтиб келди, дўстлари олқишларига кўмилди. Ғалабадан руҳланган альпинистларимиз 23 май куни эрталабдан Эверестга ҳужумга ўтишди ва олдинма-кетин «дунё томи»ни забт этишди. Ўша кун соат 14.30 да Светлана Баскакова, Сергей Соколов, Марат Усаев; соат 16.00 да Олег Григорьев; соат 16.30 да Андрей Фёдоров; 24 май куни соат 13.50 да Илёс Тухватулин, Андрей Заикин, Алексей Докукин; 25 май куни соат 11.55 да Ҳаниф Балмагамбетов ва Роман Мац дунёдаги энг баланд чўққига кўтарилишди. Фақат шамоллаб қолган Константин Бойцов бу вазифани бажаришни кейинги сафарга қолдирди. Ҳақиқатан ҳам 12 нафар альпинистдан 11 нафарининг Эверестга кўтарилиши оламшумул ғалабалар қаторига киради. Зеро, ўша вақтда юртдошларимиз сингари Эверестга чоғланган 12 давлатнинг 15 та экспедициясидан биронта ҳам альпинист «дунё томи»га кўтарилмаганди.

Президентимиз Ислом Каримов Эверест альпинистлар экспедициямиз аъзоларига табрик йўлади: «Сизларнинг «дунё томи» деб ном олган — Эверестни забт этиб, ўзбек халқи номи ва байроғини ер юзининг энг баланд чўққисига мангу муҳрлаганингиз ҳақидаги хушxabар менга катта мамнуният ва ғурур бағишлади.

Халқимиз ватанпарварлик жасоратингизни зўр ҳаяжон билан кузатиб турди ва ғалабангизни катта олқиш билан кутиб олди.

Юксак чўққи сари йўлингизда кўплаб мураккаб қийинчилик ва машаққатларни енгиб ўтганингизни биламиз. Сизнинг мақсад сари қатъият билан олға интилганингиз халқимиз табиатига хос бўлиб, бу — юртимиз руҳи ва иродасининг юксак намунасидир.

Ватанимиз довуғини дунёга таратган ушбу ғалабангиз мустақиллигимизнинг етти йиллигига муносиб тўхфа бўлди.

Самога туташ чўққи узра қадалган Байроғимиз биз-

нинг озодлик ва ободлигимиз тимсоли сифатида абдий ҳилпираб турсин!»

Юртбошимизнинг бу табрикномаси Эверест забткорлари галабасининг мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ очиб берди. Голиблар 2 июнь куни Тошкент аэропортида тантанали кутиб олинди ва бу шодиёна альпинистларимизни шарафлаш маросимларига уланиб кетди.

Альпинистларимиз ўзларининг галабасини Ўзбекистонимиз мустақиллигининг 7 йиллигига бағишлаганди. Истиқлол тўйимизнинг 7 йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига кўра Эверест альпинистлар экспедицияси аъзолари ҳам ҳукуматимизнинг орден-медаллари билан мукофотланишди.

Ҳа, йиллар, асрлар ўтаверади. Аммо 1998 йил 22 май санаси ўзбек фарзандининг «дунё томи»га Ўзбекистон байроғини илк бор қадаган кун сифатида «Эверестнома» китобида ва Ватанимиз тарихида мангу қолади!

ЎЗБЕК КУРАШИНING АСРИ БОШЛАНДИ

Дунёда қанча миллат, элат бўлса, барчасининг ўз кураши бор. Ҳар бир миллат, ҳар бир элат ўз курашининг халқаро майдонга чиқишини, дунё аҳли томонидан эъзозланишини истайди. Жаҳондаги кўплаб давлатлар ўз миллий курашининг халқаро миқёсда тан олиншига эришиш учун ҳар йили миллион-миллион долларлик маблағ сарфлашади. Мана шундай рақобатда минг-минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек курашининг Ватанимиз мустақиллиги шарофати ва Президентимиз Ислом Каримовнинг изчил саъй-ҳаракатлари туфайли халқаро майдонга чиқиши халқимизнинг XX аср сўнггида эришган энг катта ютуқларидан биридир.

1992 йил бошида Юртбошимиз миллий кураш мутахассислари билан учрашиб, уни спорт тури сифатида мамлакатимизда янада ривожлантириш ва халқаро майдонга тезроқ олиб чиқиш бўйича қимматли маслаҳатлар берди. Бу маслаҳатлар асосида курашчилар сулоласи вакили Комил Юсупов ўзбек курашининг қонун-қоидаларини жаҳон андозаларига мос келадиган қилиб такомиллаштирди. Кўп ўтмай Шаҳрисабзда ўзбек кураши бўйича Ўзбекистон Президенти соврини учун Амир Темур хотирасига бағишланган халқаро мусобақа ташкил этилди. Зўр муваффақият билан уюштирилган ушбу мусобақа кураш жонкуярларини,

бутун халқимизни руҳлантириб юборди ва полвон элимизни юксак мақсадлар сари илҳомлантирди.

1993 йилда Термиз ва Бухорода, 1996 йилда Андижонда Ўзбекистон Президенти соврини учун ана шундай халқаро мусобақалар ўтказилди. Уларга дзюдо курашининг баобрў раҳбарлари ҳам таклиф қилинди. Чунки биз ўзбек курашининг гўзаллигини айнан дзюдо мутахассислари тезроқ илғаб олишига ишонардик. Шунингдек, дзюдо бўйича уюштирилган қитъа ва жаҳон чемпионатларида, шу тур мутахассислари анжуманларида қатнашчиларга ўзбек кураши тўғрисидаги фильмлар кўрсатилди. Дзюдо мутасаддилари ўзбек курашининг жозибасидан биз кутгандан ортиқ ҳайратга тушишди ва хайрли ишимизга камарбаста бўлишди.

1998 йил 6 сентябрь. Пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасининг мажлислар залига тўпланган Ўзбекистон, АҚШ, Россия, Буюк Британия, Германия, Япония, Корея каби 28 та давлат вакиллари Халқаро кураш ассоциацияси (ХКА) тузишга яқдиллик билан овоз беришди. Вакиллар ХКА низомини, ўзбек кураши қонун-қоидаларини, спорт кийимларини тасдиқлашди, ассоциация раҳбариятини, қитъалардаги бўлимларининг президентларини сайлашди. Халқаро кураш ассоциацияси фахрий президентлигига Ўзбекистон Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримовни сайлаш тўғрисида таклиф киритилди. Бу таклиф бир овоздан маъқулланди ва вакиллар оёққа қалқиб гулдурос қарсақлар билан ўзларининг мамнуниятларини изҳор этишди.

Ўша куни ХКА тузилиши муносабати билан пойтахтимиздаги «Жар» ўйингоҳида ўзбек кураши бўйича Ўзбекистон Президенти соврини учун халқаро мусобақа ўтказилди. Мусобақада 22 та давлатдан 40 нафар полвон қатнашди. Улар орасида дзюдо бўйича олимпиада ғолиби, жаҳон чемпионати совриндорлари, самбо бўйича жаҳон чемпионлари ҳам бор эди. Оқ кийимдаги ҳакам чап ёнида кўк кийимли, ўнг ёнида яшил кийимли полвонларни бошлаб, гилам сари оҳишта юриб боришяпти. Уларда қараб беихтиёр кўз олдимизга давлат байроғимиз келди. Бундай чуқур рамзий ифодадан кўксимиз гурур-ифтихорга тўлди. Ҳа, энди ўзбек кураши кириб борган мамлакатда полвонлару ҳакам кийимлари тимсолида давлат байроғимиз ҳил-пирайверади.

Гиламда қизиқарли беллашувлар бошланди. Турли миллатта мансуб ҳакамлар «кураш», «тўхта», «ҳалол», «ёнбош» каби ўзбекча сўзлар билан беллашувларни бошқариб боришди. Фахрлан элим, ўзбек курашимиз

билан бирга ўзбекча сўзларимиз ҳам халқаро миқёсга чиқди.

— Ота-боболаримизнинг кураши мардона эканлиги, улуф инсоний ғояларга йўғрилгани билан кўпчиликнинг диққат-эътиборини тортмоқда, — дейди ХКА президенти Комил Юсупов. — Ўзбек курашида тик туриб беллашилади. Бу курашчига ҳар бир фурсатдан унумли фойдаланиб, хилма-хил усул қўллашга имконият беради. Шу боис «Жар» спорт иншоотида ўтказилган халқаро мусобақамизда 54 та беллашувда полвонлар томонидан қўлланган 40 дан зиёд чиройли усулни кўрдик. Вазни 90 килограмм бўлган Камол Муродовнинг оғирлиги 205 килограмм бўлган украиналик Валентин Росляковга қарши чиройли усул қўллаб «ҳалол» йиқитгани, ҳар қандай мусобақани безаши мумкин.

Кураш мусобақасини тўлқинланиб томоша қилган ХКА Ижроия қўмитаси аъзоси, Туркия дзюдо федерацияси президенти Иброҳим Ўзтек ўз ҳаяжонини шундай ифодалади: «Ўзбек кураши барча курашларнинг отасидир». Дарҳақиқат, ҳозирги кунгача топилган археологик ашёлар, манбалар курашимизнинг пайдо бўлиш тарихи камида 5000 йилга тенг эканлигига шаҳодат беради.

Беллашувлардаги бири-биридан чиройли усулларни кўриб завқи ошган ХКА Ижроия қўмитаси аъзоси, Еврўпо дзюдо иттифоқи президенти голландиялик Франц Хугендайка ўзбек курашининг келажагига ҳаваси келиб шундай деди: «Бу тур ХХI аср спорти бўлади!» Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида бўлган тажрибали спорт мутасаддисининг башорати ўзбек кураши жонкуярларининг бошини осмонга етказди.

1999 йил 16 февраль куни Тошкентда мудҳиш жиноят юз берди. Террорчиларнинг қабих ниятлари биринчи навбатда Президентимизга қаратилган эди. Эртаси кунига ХКА Ижроия қўмитасининг навбатдан ташқари йиғилиши чақирилди. Дунёнинг турли мамлакатларидан етиб келган Ижроқўм аъзолари террорчиларнинг қабих ишларини қоралашди, ассоциация Фахрий Президенти Ислом Каримовни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўзбек кураши бўйича бўлажак биринчи жаҳон чемпионатини мисли кўрилмаган даражада ўтказишга келишиб олишди ва улар тарғиботни янада кучайтириш учун беш қитъага жўнаб кетишди.

ХКА Ижроия қўмитаси аъзоларининг пойтахтимизда йиғилиши ва уларнинг биринчи жаҳон чемпионатини белгиланган муддатда ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши Тошкентдаги аҳвол ҳақида бўҳтон хабар тар-

қатаётган чет эл ахборот воситаларига муносиб жавоб бўлди. Тўғри, ўз юртимизда вояга етган айрим ватанфурушлар тинчлигимизга, осойишталигимизга, тараққиётимизга раҳна солишга уринишди. Ўзбек кураши туфайли юртимизга, Юртбошимизга ихлос қўйган хорижлик эзгупарвар инсонлар ҳам Президентимизни қўллаб-қувватлаш учун зудлик билан Тошкентга етиб келишди, бизнинг миллий қадриятларимиздан бирини тезроқ халқаро майдонга чиқариш тўғрисида қарор қабул қилишди. Ахир, азалдан ўзбек кураши яхши ниятли кишиларни бирлаштирган, уларни юксак мақсадлар сари ундаган, эзгуликнинг тантана қилишига йўл очган. Ниҳоят, белгиланган муддатда байрамона безанган Тошкентимиз ўзбек кураши биринчи жаҳон чемпионатига қатнашиш учун беш қитъадан келаётган азиз меҳмонларга, курашчиларга қучоғини ёзди. Чиндан ҳам ХКА Ижроия қўмитаси аъзолари ўз ваъдаларини аъло даражада бажаришди. Чунки ҳали жаҳон спорт тарихида бирор турнинг илк чемпионатида ўзбек курашидагидай беш қитъанинг эллиқдан ортиқ давлатдан вакиллар қатнашмагани.

1999 йил 1 май. Пойтахтимиздаги «Юнусобод» спорт саройи Америка, Еврўпо, Африка, Австралия ва Осиё қитъаларидан ташриф буюрган спорт мутасаддилари, мутахассислар, полвонлар, кураш мухлислари билан тўлган. Спорт саройида давлатимиз раҳбарлари ҳам ҳозир бўлишди. Чемпионатнинг тантанали очилиш маросими бошланди. Майдонга чемпионатнинг расмий кишилари, ҳакамлар ва ўз давлатлари байроқлари остида полвонлар сафланишди. Ўзбекистон Президенти, Халқаро кураш ассоциацияси Фахрий Президенти Ислом Каримов биринчи жаҳон чемпионати қатнашчиларини табриклади. Юртбошимизнинг чуқур мазмунли ва эзгу тилакларга йўғрилган сўзлари чемпионат қатнашчиларининг қалбларида акс-садо берди: «Бугун буюк аждодларимиз руҳини шод этиб, азал-азалдан халқимизнинг миллий ғурурига айланиб қолган ўзбек курашининг жаҳон майдонига чиқиши, унинг тан олиниши барчамизни бағоят қувонтиради.

Мен ишонаман: дунёга машҳур паҳлавонларнинг бебаҳо хизматлари туфайли халқимиз маънавий турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланган кураш бугундан эътиборан янги ҳаётини бошлайди, янада юксалади, жаҳон узра кенг тарқалиб, турли миллатларга мансуб миллионлаб кишиларнинг сеvimли машғулотига айланади...»

Сўнгра Йўлбошчимиз биринчи жаҳон чемпионатини очиқ деб эълон қилди. Давлат мадҳиямиз садолари

остида Ватанимиз байроғи кўтарилди. Ўша кезде байроғимиз билан бирга миллий ғуруримиз ҳам юксалди. Ушбу қутлуғ сана ўзбек курашининг дунё бўйлаб қанот қоққан куни сифатида жаҳон спорт тарихига битилди. Нуруний полвонларимиз қувонганларидан кўзларига ёш олишди, «етказган кунингга шукур» дея қўлларини дуога очишди.

Яхши ниятларни кўзлаб иш бошлаш хайридир. Президентимизнинг самимий тилаклари чемпионатга кўтаринки руҳ бағишлади. Кутилгандек, қизгин мусобақаларда полвонларимиз «ҳалол» ғалаба қозонишди. Аввал 90 кг вазн тоифасида Камол Муродов, кейин 73 кг вазн тоифасида Ақобир Қурбонов, сўнгра мутлақ вазнда Тоштемир Муҳаммадиев ўзбек кураши бўйича жаҳон чемпиони деган юксак унвонга сазовор бўлишди. Муҳими, чемпионатга келган меҳмонлар, жаҳон спорти мутасаддилари, полвонлар ўзбекона меҳмондўстликдан, бағрикенгликдан, миллий курашимизнинг жозибасидан ҳайратга тушишди. Улар чемпионатдан олган ширин таассуротлари ва қалбларига туйган ниятларини изҳор этиш мақсадида Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовга мурожаатнома қабул қилишди. Унда, жумладан шундай дейилади: «Биринчи жаҳон чемпионати ўзбек кураши спортнинг бетакрор ва ўзига хос тури эканлигини яна бир бор намоён этди. Аминмизки, ушбу чемпионатнинг ўтказилиши спортнинг бу турига халқаро жамоатчилик эътиборини янада кучайтиради. Биз — кураш байрамининг иштирокчилари бўлган 48 мамлакат вакиллари ушбу ажойиб спорт турининг энг фаол тарғиботчилари бўламиз. Тошкентда ўтган ҳаяжонли кунлар, ҳалол ва қизгин беллашувлар хотирамизда умрбод сақланиб қолади. Ишончимиз комилки, яқин келажакда ўзбек кураши Олимпия ўйинлари қаторидан ўзига муносиб жой олади, XXI аср спорти сифатида довуғ таратади».

Бу улуғ ишнинг бошланиши эди, холос. Ўтган йилларда ХКАнинг иш кўлами ҳам, географияси ҳам кенгайди. Халқаро кураш академияси, Бутунжаҳон курашни ривожлантириш жамғармаси, Халқаро кураш институти ташкил этилди. Миллий федерациялар ва конфедерациялар фаолияти яхшиланмоқда. Ҳозирги кунда қирқдан ортиқ миллий федерация ХКА аъзоси, йигирмадан зиёд миллий федерация аъзоликка қабул қилиниш арафасида. ХКА тасарруфидаги мусобақалар сони ой сайин ошиб бормоқда.

Хусусан, ўзбек кураши бўйича 1999 йилда Беларусь пойтахти Минск шаҳрида I Еврўпо чемпионати, Россиянинг Брянск шаҳрида аёллар ўртасида халқаро

мусобақа, 2000 йилда Россиянинг Тверь шаҳрида ўсмирлар ўртасида жаҳон биринчилиги, Брянск шаҳрида аёллар ўртасида I Еврўпо чемпионати зўр муваффақият билан ўтди. Туркиянинг Анталия шаҳрида эса II жаҳон чемпионати ўтказилди. Унда юртдошларимиздан Маҳтумқули Маҳмудов (73 кг вазнда) ва Баҳром Авазов (90) жаҳон чемпиони бўлишди, мутлақ вазнда ва аёллар мусобақасида омад туркиялик курашчиларга кулиб боқди. Шунингдек, 2000 йилда Буюк Британиянинг Бедфорд шаҳрида «Ислон Каримов турнири»га асос солинди. Ушбу турнир анъанавий бўлиб қолади ва ўзбек курашининг жаҳонда янада оммалашшига хизмат қилади.

Эндиликда номдор полвонларимиз ҳукуматимиз томонидан рағбатлантирилмоқда. Ўзбекистон Президенти Фармонларига кўра ўзбек кураши бўйича жаҳон чемпиони бўлган К. Муродов, А. Қурбонов, Б. Авазов ва М. Маҳмудов «Ўзбекистон ифтихори» Фахрий унвони, Т. Муҳаммадиев эса «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланди.

Хуллас, ўзбек кураши ўз асри бўлган XXI асрни муносиб қарши олди. Курашимиз учун XXI аср хайрли бошланди. Пойтахтимизда I Осиё чемпионати жаҳон андозаларига мос равишда ўтказилди. Бу ўзбек курашининг Осиё ўйинлари дастурига киришини тезлаштиришга ёрдам берди. Демак, ўзбек курашининг Олимпия ўйинлари дастурига кирадиган йил ҳам узоқ эмас.

Шу ўринда савол туғилади: нега қисқа муддат ичида ўзбек кураши халқаро миқёсга чиқди, жаҳон ҳамжамиятлари ўртасида обрў-эътибор қозонди? Албатта, бунинг кўпгина сабаблари бор? Бироқ жаҳон спорт мутасаддилари бир омилни алоҳида таъкидлашмоқда.

— Жаҳонда спорт ассоциациялари, федерациялари кўп, — дейди ХКА президенти К. Юсупов. — Шунга қарамай дунё спорти мутасаддилари, мутахассисларининг Халқаро кураш ассоциацияси фаолиятига катта қизиқиш билан қараётганининг асосий сабаби, ассоциациямизга давлатимиз Йўлбошчиси Ислон Каримовнинг Фахрий Президент эканлигида. Шу боис барча курашимизнинг ёрқин истиқболига ишонишяпти, ўзларида курашимизни тезроқ оммалаштиришга, ривожлантиришга ҳаракат қилишяпти.

Юртбошимиз спортни ривожлантиришга бағишланган бир йиғилишда: «Ҳар бир ишнинг устувор йўналишини белгилаб олмасдан туриб, уни амалга ошириб бўлмайди», — деган эди. Дарҳақиқат, Президентимиз Ислон Каримов томонидан ўзбек курашининг устувор йўналиши аниқ қилиб белгиланган: XXI асрда ўзбек

1999 йилда Хьюстонда ташкил этилган 10-жаҳон чемпионати Муҳаммадқодирга унутилмас лаҳзалар ҳадея қилди. У Америка рингида бири-биридан қийин бешта «жанг»да ғалаба қозониб, жаҳон чемпиони деган юксак унвонга сазовор бўлди. Жумлаи жаҳонга дoston бу ғалабаси учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига кўра «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланди. Ватаннинг ҳар бир олий мукофотига ғалаба билан жавоб беришга одатланган Муҳаммадқодир Осиё чемпионатида зафар қучди, Сидней Олимпиадаси йўлланмасини қўлга киритди.

Ўзининг ҳаваскорлик боксидаги энг муҳим мусобақасига Муҳаммадқодир пухта тайёрланди. Андижондаги Заҳридин Муҳаммад Бобур боғида ҳар тонг шуғулланганда, шавкатли бобомиз руҳидан мадад олди, турли тоифадаги мусобақаларда маҳоратини тобига етказди. Мустақиллик айёми арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига кўра унга «Хизмат кўрсатган спортчи» Фахрий унвони берилди. Бу мукофот Сидней Олимпиадасига жўнаб кетаётган Муҳаммадқодирга қанот бағишлади.

2000 йил 15 сентябрь. Сиднейдаги 110 минг томошабинга мўлжалланган «Австралия майдони»да ўтказилган олимпиада тантанали очилиш маросимини сўз билан таърифлашга ожизмиз. Тенглар ичида тенг Ўзбекистон спорт делегацияси ҳам мусиқа садолари ва томошабинлар олқиши остида майдон сари юрди. Олда Ватанимиз байроғини кўтарган Муҳаммадқодир бормоқда. Ўриндиклардаги томошабинлар, майдондаги машҳур спортчилар ўз давлатлари байроқларини ҳилпиратишмоқда. Муҳаммадқодир қаддини ростлади, уларга кўз қирини ташлаб: «Бу олимпиадада бизнинг байроғимиз ҳамма-никидан баландроқ ҳилпирайди», деган фикрни хаёлидан ўтказиб, Ватанимиз байроғини баландроқ кўтарди ва шу кўйи бутун майдон бўйлаб олиб ўтди.

Лекин Ватанимиз байроғининг Сиднейда баланд кўтарилишини узоқ кутдик, жуда ҳам узоқ! Начора, 77 нафар спортчимиздан қайси бири олимпиада мусобақасига киришмасин шоҳсупага етмасди. «Дарлинг Хабе» спорт мажмуасида бокс «жанг»лари ҳам қизиқ борарди. Афсуски, биринчи «жанг»лардан кейин уч нафар боксчимиз томошабинлар қаторидан ўрин олди. Муҳаммадқодир эса пуэрто-риколик Мигел Соттони 17:7 ҳисобида енгиб, илк ғалабасини нишонлади. У иккинчи «жанг»да бразилиялик Нелсон Карлосни яққол устуналик билан мағлубиятга учратди. Ҳакамлар тўртинчи раундда очколар фарқи 15 тага етганда «жанг»ни тўхтатишди. Бу вақтга келиб яна

уч нафар боксчимиз мусобақадан чиқиб кетганди ва бошқа турларда ҳам спортчиларимизнинг омади юришмаётганди. Кутилмаганда, Руслан Чагаев грузиялик боксчига ютқазиб қўйди.

Муваффақиятсизликлардан Муҳаммадқодир ҳам изтироб чекди. Наҳотки, бизга ишонган халқимиз, ёрдўстлар олдида юзимиз ёруғ бўлмаса, дея куюнди. Рустам Саидов канадалик боксчини енгиб, бронза медалини нақд қилгач, кўнгли бир оз таскин топди ва беларуслик Сергей Буковскийга қарши рингта кўтарилди. Жуда кескин ўтган ушбу «жанг»да 9:6 ҳисобида ғалаба қозониб, у ҳам бронза медалини нақд қилиб қўйди. Кўп ўтмай Сергей Михайлов ҳам чорак финалда қозоғистонлик боксчидан устун келиб, жамоамизга камида учинчи бронза медалини тақдим этди.

Бошқа турларда спортчиларимиз қониқарли қатнашмаётгани учун боксчиларимизнинг ярим финал «жанг»ларини ҳаяжон билан кутдик. Таассуф, С. Михайлов ва Р. Саидов тажрибали рақибларига ютқазинди. Муҳаммадқодир эса жазоирлик Муҳаммад Алал билан «жанг»ни чўзиб ўтирмади. Иккинчи раунднинг бошида ҳисоб 17:2 бўлганда, ҳакам «жанг»ни тўхтатиб боксчимиз ғолиб чиққанини билдирди. Бу жамоамиз учун камида битта кумуш медаль дегани эди.

Сидней Олимпиадаси мусобақалари тугаб борарди. Яқунланган турларда боксчиларимизнинг иккита бронза медалидан ташқари ҳамон спортчиларимиз совринли ўринлардан жой олишмаганди. Эркин курашчиларимизга катта умид билан қарагандик. Улар орасидан финалгача етиб келган Артур Таймазов ҳам «кумуш довон»да қолди.

Мустақил Ўзбекистонимиз учун ғолиблик жуда-жуда зарур эди. 199 давлатдан келган 10 минг нафардан ортиқ спортчи, шунча мутахассис, 20 минг нафарга яқин журналист, юз минглаб мухлис, 3 миллиарддан зиёд телетомошабин кўз ўнгида қозонилган ғалаба юртимиз шухратига шухрат қўшарди. Ягона умид эса Муҳаммадқодирдан. Мана у одатдагидай хотиржам рингга кўтарилди. Жанговар ҳолатга кирди, бирдан елкадор, бўйчан кўриниш олди, вужудидан бобур-йўлбарс шиддати ёғилди. Демак, ҳаммаси жойида.

Учрашувнинг дастлабки сонияларидан Муҳаммадқодир АҚШ боксчиси Рикардо Уилямсга аниқ зарбалар бера бошлади. Ҳисоб — 4:1. Иккинчи раунд ҳам юртдошимиз устунлигида ўтди — 10:5. Учинчи раундда кутилгандек америкалик боксчи қарши ҳужумга ташланди ва очкодаги фарқни биттага қисқартирди — 15:11. Тўртинчи раунд бошланиши билан боксчимиз

яна ташаббусни ўз қўлига олди ва ҳисобни 21:13 га етказди. Шу вақтда учрашув тугашига 43 сония қолганди. Бонг урилганча «муъжиза» рўй бермади. Ўзбек баҳодирлари ушбу «жанг»ни 27:20 ҳисобида енгиб, Олимпия чемпиони бўлди. У зарбоф тўн кийиб, музаффар байроғимизни ринг узра ҳилпиратди. Кейин рингда тиз чўзиб, Оллоҳга ҳамду санолар ўқиди.

Бир неча дақиқадан кейин тақдирлаш маросими ўтказилди. Олимпия чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев шарафига мадҳиямиз янграб, Ватанимиз байроғи кўтарилди. Юксал элим! Ватанимиз бой тарихига 2000 йил 1 октябрь санаси ҳам зарҳал ҳарфлар билан ёзилди. Ўша қутлуғ кунда ўзбек фарзанди биринчи бор Олимпия чемпиони деган юксак унвонга мушарраф бўлди.

Олимпиада ёпилиш маросимига Ватанимиз байроғини кўтариб тушишга тайёргарлик кўраётган Муҳаммадқодирга Юртбошимиз ғалабаси муносабати билан йўллаган табрикномасини ўқиб беришди:

«Австралия, Сидней, Муҳаммадқодир Абдуллаевга!

Бутун ўзбек халқи, спортчиларимиз ғалабасига сиз қидилдан ишонган барча ватандошларимиз билан биргаликда Олимпия ўйинларида қўлга киритилган улкан ғалаба билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Ислом КАРИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти.

2000 йил 1 октябрь, Тошкент шаҳри».

Муҳаммадқодир қулоқларига ишонмай, табрикни қайта-қайта ўқиб беришларини сўради. Сўнг шодлиги бир олам-жаҳон бўлиб, Ватанимиз байроғини кўтарганча «Австралия майдони» марказига — Олимпия чемпионлари даврасига йўл олди.

3 октябрь куни олимпиячилар Тошкент аэропортида тантанали кутиб олинди. Миллий либосимиздаги Олимпия чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев она заминимиздаги биринчи интервьюсини берди:

— Мен Сидней Олимпиадасидаги ғалабамни Мустақил Ўзбекистонимизга бағишлайман. Менга, спортчиларимизга кўрсатаётган ғамхўрликлари учун Президентимизга чексиз миннатдорлигимни изҳор этаман!..

Эртаси куни Президентимиз Оқсарой қароргоҳида олимпиячиларимизни қабул қилди. Юртбошимиз Олимпия ўйинларида қатнашишнинг ўзи ҳар бир спортчи учун катта шараф эканлигини таъкидлади, Сидней Олимпиадаси совриндорларини эришган ғалабаси билан муборақбод этди, уларга зарбоф тўн кийдирди,

қимматбаҳо совғалар топширди. Австралияда бўлиб қайтган спорт делегациямизнинг бошқа аъзоларига ҳам Президентимиз нѳмидан эсдалик совғалари тақдим этилди.

Олимпиада совриндорларини алоҳида моддий рағбатлантириш Президентимиз Фармони билан белгилаб қўйилган эди. Вазирлар Маҳкамасининг мазкур Фармон асосида қабул қилган қарорига биноан Олимпия чемпиони М. Абдуллаевга 100 минг, кумуш медаль соҳиби А. Таймазовга 50 минг, бронза медалларини қўлга киритган С. Михайлов ва Р. Саидовга 25 минг АҚШ долларидан пул мукофотлари бериладиган бўлди.

Тадбирда Муҳаммадқодир сўзга чиқди.

— Мен қўлга киритган олтин медаль фақат ўзимники эмас, балки сизники ҳамдир, — деди ҳаяжон билан Президентимизга қараб. — Зеро, биз спортчилар эришяётган ютуқларда сизнинг беқиёс ҳиссангиз бор. Ватанимиз мустақилликка эришмаганида, давлатимиз раҳбари юртимизда спортни ривожлантиришга шахсан ўзи бош-қош бўлмаганида, биз бундай жаҳоншумул муваффақиятларга эриша олмасдик.

Тантаналар тантаналарга уланди. Сабаби Олимпия чемпиони бўлган ўзбек фарзанди ягонадир. Ватанимиз, халқимиз, миллатимиз шаънини Олимп чўққиси қадар улуғлаган шундай баҳодиримиз ғалабасини ҳар қанча тантана қилсак ярашади.

Конституция куни арафасида Оқсарой қароргоҳида Ватан мукофотларини топшириш маросими бўлди. Президентимиз Ислом Каримов мукофотланганларни табриклади ва уларга Ватанимизнинг ордени, медаль, нишонларини топширди. Мукофотланганлар биринкетин сўзга чиқишди. «Хизмат кўрсатган спортчи» Фахрий унвони нишонини олган Муҳаммадқодир ҳам микрофонга яқинлашиб, Президентимизга билдирилган юксак ишонч учун миннатдорлигини изҳор этди.

— Халқимизда янги ишга қўл урилганда юртнинг табаррук кишиларидан фотиҳа олиш азалдан расм бўлиб келган, — деди сўнгра у. — Мен профессионал боксга ўтмоқчиман. Шу боис Сиздан, юртимизнинг табаррук кишиларидан оқ фотиҳа сўрайман.

Юртимизнинг табаррук кишилари бутуннинг бобурий баҳодир Муҳаммадқодир Абдуллаевга профессионал боксда фаолият бошлашига оқ фотиҳа беришди. Биз унинг профессионал боксда йўли оқ, ғалабаларга бой бўлишига ишонамиз. Чунки табаррук кишилар дуосини олганларнинг иши ҳамиша ўнгидан келади. Дарҳақиқат, Муҳаммадқодир профессионал боксда дастлабки ғалабаларига эришди.

ТҶМАРИСЛАР, БАРЧИНОЙЛАР КҶПДИР БҶ ЭЛДА

1973 йил ёз фасли. Паркент туманидаги чекка қишлоқда Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ) талабалари амалий машғулот ўтказишмоқда. Бўш вақтда волейбол ўйини авжига чиқади. Айниқса, биология ва геология факультетлари жамоалари ўртасидаги волейбол ўйини «ҳаёт-мамот жангига» айланади. Сабаби оддий: биологларнинг 6 нафар ўйинчисидан 3 нафари қиз — Зухра, Дилором ва Заҳро. Геология факультети йигитлари ютқазиб қўймаслик учун жонларини жабборга беришади, бор маҳоратларини ишга солишади, қанийди тўп биологлар майдончасида қолса, қайтиб келаверади... Чунки уларнинг олиш мумкин эмас деб йўналтирган тўпларини ё Зухра, ё Дилором, ё Заҳро ўзлари йиқилиб қолишса ҳам қайтаришади, кейин ажойиб комбинация ишлатишиб, қарши ҳужум уюштиришади...

Мен шундай гўзал волейбол ўйинини кам кўрганман. Ҳолбуки, волейбол бўйича жаҳон чемпионати, олимпиада мусобақаларини ҳам ойнай жаҳон орқали қолдирмасдан кўриб бораман. Барибир чекка қишлоқдаги ўша волейбол ўйини ҳамон ёдимда. Ўшанда биологлар 2:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. Суриштирсам, қизлар мактабда ҳам бирга ўқишган, волейбол билан астойдил шуғулланишар экан. Тўғри, улар волейболда довруқ таратишмади. Бироқ уларга вақтида етарли шароит яратилганда, эҳтимол жаҳон чемпиони, Олимпия чемпион бўлишарди. Афсуски, собиқ тузум даврида ўзбек қизи спорт соҳасида жаҳонга донг тарата олмасди. Донг таратишга йўл бўлсин, ўзбек қизини тузукроқ мусобақага жўнатишмасди, ўз Ватанидаги спорт майдонида чиқиштиришмасди.

Ватанимиз мустақиллигини қўлга киритгандан кейингина барча соҳаларда бўлгани каби спортда ҳам Тўмарис, Барчиной қизларига иззат-икром кўрсатилди, ўз иқтидорларини намоён этиш учун шароит яратилди. Улар мустақил Ўзбекистон спортининг чинакам маликаларига айланишди. Зеро, Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганидай: «Аёлни улуғламоқ — оилани, Ватанни, ҳаётни улуғламоқ демакдир».

1994 йил Фориш туманидаги Қизилқир сайилгоҳида 1-Республика халқ ўйинлари олимпиадаси ташкил этилди. Мурасасиз ўтган мусобақаларда вилоятларимиздаги қишлоқлардан келган ўзбек қизларимизнинг шижоати мутахассису мухлисларнинг ақлини шоширди. 1996 йилда ўша сайилгоҳда шундай мусобақа иккинчи бор ўтказилди. Ушбу халқ ўйинлари олимпиа-

дасининг маликаси форишлик Турсуной Дониёрова бўлди. Турсуной олимпиаданинг тўққиз турида ғолиблар сафида турди ва тўққизта олтин медаль билан тақдирланди!

1995 йилда Тошкентда ўтказилган 1-Марказий Осиё ўйинларининг кашфиётларидан бири Саида Искандарова бўлди, десак муболаға эмас. Чунки кўпчиликка нотаниш ўзбек қизи 2 та олтин, битта бронза медалини қўлга киритиб, мухлислар олқишини олди. Ҳаяжонланган Саида дастлаб 200 метрга чалқанча усулда сузишда бронза медали билан қаноатланди. Сўнгра дугоналари билан 4x100 метрга усуллар мажмуи бўйича сузишда биринчи ўринни эгаллади. Кейин 100 метрга чалқанча усулда сузиш мусобақасида шохсупанинг юқори поғонасига кўтарилди.

Бу ғалабалар Саидани парвозга шайлади. Шундан кейин унинг мамлакатимиз мусобақаларида, Осиё-Океания чемпионатларида совринли ўринларни эгаллаши одатий ҳолга айланди. 1998 йилда Бангкокда бўлган 13-Осиё ўйинларида унинг кўксини кумуш медаль беади. 1999 йилда Дехлида ўтказилган Осиё-Океания чемпионатидан олтин медаль билан қайтди. 2000 йилда Сидней Олимпиадасида қатнашди. У олимпиаданинг сузиш турида иштирок этган биринчи ўзбек қизи сифатида спорт тарихимиздан жой олди.

Кимдир бундан ўн йил муқаддам хатирчилик қизлар орасидан машҳур спортчи чиқади, деса биров ишонмасди. Бугун эса хатирчилик стол тенниси устаси, 16 ёшли Манзура Иноятовани мамлакатимиздагина эмас, хорижда ҳам яхши билишади. Манзура 1998 йилда Москвада уюштирилган 1-Бутунжаҳон ўсмирлар ўйинларида Саида Бурхонхўжаева билан ҳамкорликда бронза медалига сазовор бўлди, яқкалик мусобақасида чорак финалгача етиб борди. 1999 йилда Швецияда ўтказилган Жаҳон ўйинлари ва Германияда бўлган Еврўпо очиқ кубогида ғолиблар қаторидан ўрин олди. У Англия, Голландия, Гонконг каби ўнлаб мамлакатларда ташкил этилган нуфузли мусобақаларда мувафақиятли қатнашди. 1999 ва 2000 йиллар якунларига кўра Манзура Иноятова Ўзбекистонимизнинг энг келажаги порлоқ спортчиларидан бири деб топилди. Аслида ҳам шундай, Манзура ва унинг Саида Бурхонхўжаева, Нилуфар Сотволдиева сингари теннисчи дугоналари ҳам ўзбек қизларининг иқтидорини, юртимизнинг доврўфини дунёга дoston этишади.

1998 йилда Термизда бўлиб ўтган Алпомиш ўйинлари мамлакатимиз аҳлига бугуннинг Барчини — андижонлик Дилором Қамбаровани танитди. У армрест-

линг (қўл кучини синаш) мусобақаларида «катта опа»-ларининг ҳам қўлини қайирди ва ҳақли равишда ғолиб чиқди. Кейинги йилларда аёллар ўртасида армрестлинг бўйича ўтказилаётган нуфузли мусобақаларда Дилоромга тенг келадиган рақиб топилгани йўқ. Биз Дилоромнинг халқаро майдонларда ҳам ана шундай ёрқин ғалабалар қозонишига ишонамиз.

Спортнинг гўзал тури — катта теннис ҳақида гап кетганда тошкентлик Комила Дадахўжаевани эсламаслик мўмкин эмас, Комила пойтахтимизда теннис бўйича ўтказилаётган «Президент Кубоги» халқаро турнири кашф этган теннисчидир. У дадаси билан «Президент Кубоги» биринчи халқаро турнири финал учрашуви-ни томоша қилиш учун «Юнусобод» кортига борди. Шу-шу теннисга меҳр қўйди, қўлига ракетка олди. Орадан олти йил ўтиб, 2000 йилда Ўзбекистон чемпиони бўлди. Ҳозир у миллий терма жамоамиз аъзоси, федерация кубоги мусобақаларида мамлакатимиз шаънини муносиб ҳимоя қилмоқда. Йигирмадан ортиқ хорижий давлатда ўтказилган мусобақаларда қатнашиб, ўзининг чиройли ўйинлари билан теннис мутахассису мухлислари эътиборини қозонди.

Шарқда аёллар шатранж-шоҳмотни моҳирона ўйнаганликларига биргина «Дилором моти» ривояти ҳам шаҳодат бера олади. Минг шукурки, мустақиллик йилларида шоҳмотчи қизларимизнинг иқтидорли авлоди вояга етди: қашқадарёлик Сарвиноз Эргашева, Зулфия Ражабова, қўқонлик Ҳулкар Тоҳиржонова, сурхондарёлик Ирода Иброҳимова, Тошкент вилояти Қибрай туманидан опа-сингиллар — Ҳуснора, Муяссар, Гулнора, Гулчехра ва Нафиса Ортиқовалар, жиззахлик Юлдуз Ҳамроқулова...Биз 12 ёшли Юлдуз Ҳамроқулова натижаларига эътиборингизни қаратмоқчимиз, холос. У тенгдошлари ўртасида ўтказилган мамлакат биринчиликлари ғолиби, жаҳон биринчиликлари қатнашчиси. Юлдуз ўз асри бўлган XXI асрни шоҳмотдаги муваффақияти билан қарши олди. Йил бошида Ҳиндистонда уюштирилган Осиё биринчилигида 12 ёшгача қизлар гуруҳида 9 имкониятдан 6,5 очко тўплаб, биринчиликнинг бронза медалига сазовор бўлди. Бу Юлдузнинг халқаро майдондаги ilk муваффақиятидир. Ҳали у бундан-да салмоқли ғалабаларга эришади.

Албатта, футболчи Гулнора Аъзамова, қиличбоз Дилноза Мақсудова, опа-сингил акробатчилар — Нигора ва Арофат Қодирова, таэквондочи Шаҳноза Шухратжонова, ўзбек курашининг барчинлари Юлдуз Шагибекова ва Феруза Ҳайитметова, шашкачи Дурдона Зайнобиддинова каби юзлаб қизларимизнинг спортдаги

муваффақиятлари тўғрисида тўлқинланиб, фахрланиб ёзишимиз керак. Негаки, улар ўзбек қизлари аллақачон эгаллаши лозим бўлган довларни бу кун жадаллик билан забт этмоқдалар.

Шу ўринда Президентимиз Ислом Каримовнинг куйидаги сўзларини эслашимиз жоиз: «Оилани ҳам, жамиятни ҳам бирлаштириб, унга файзу баракот киритадиган, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар қиладиган зотлар ҳам аслида мўтабар оналаримиз, мунис опа-сингилларимиздир». Дарҳақиқат, спортда эришган ютуқларимизни беками-кўст қилиб турган ҳам шу ўзбек қизларимизнинг муваффақиятидир.

Элимизда мардона момоларимиз — Тўмарис, Барчинойга ворис бўладиган қизларимиз кўп. Энди-энди улар катта спорт ҳавосидан нафас олишди, халқаро майдонга чиқишди. Яловбардорларимиз сафларини Баркамол авлод ўйинлари, Тўмарис ўйинлари, универсиада ва бошқа қатор мусобақаларда қанотларини ёзаётган иқтидорли қизларимиз тўлдириб боришаверади. Шу боис ишончимиз комил, ўзбек қизлари яқин келажакда халқаро гроссмейстеримиз Сайдали Йўлдошевдай бутунжаҳон шоҳмот олимпиадасидан олтин медаль билан қайтишади, машҳур фристайлчи Лина Черязовадай қишки спорт турида ғалаба қозонишиб дунё аҳлини лол қолдиришади, теннисчи Комила Дадахўжаевадай «Президент Кубоги» халқаро турнирларидан ўзларига қувват олишади, 12-Осиё ўйинлари қаҳрамонларимиздан ибрат олишиб «миллионлар ўйини»да ҳам маҳоратларини кўрсатишади, профессионал спортда Артур Григоряндай донг таратишади, жасур альпинистимиз Рустам Ражабов очган сўқмоқдан боришиб «дунё томи»га чиқишади, Барчин момомиздай катта курашларда навбат сўрашади, Олимпия чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев шонли анъанасини давом эттиришади... Ҳали ўзбек қизи олимпия ҳаракатига қўшган ҳиссаси ва оламшумул ғалабалари учун спортдаги олий мукофот — Олтин Олимпия ордени билан тақдирланади. Бунга Ватанимизнинг мустақиллиги, Ўзбекистонимизнинг тенглар ичра тенглиги, қудратлилар ичра қудратлилиги кафолат беради.

МУНДАРИЖА

Ўзбекистон спорт мамлакатига айланади	3
Озод юртга оламшумул ғалабалар ярашар	7
Қор қопламас Олимп сўқмоғимизни	11
Ўхшаши йўқ гўзал мусобақа	15
Биз шарқликмиз, осиеликмиз	19
Ўзимизнинг Артур	23
Байроғимиз «дунё томи»да ҳам ҳилпиради	28
Ўзбек курашининг асри бошланди	32
Бугуннинг бобурий баҳодир	38
Тумарислар, Барчинойлар кўндир бу элда	44

АСРОР МУМИНОВ

ПРЕЗИДЕНТ. СПОРТ. ҒАЛАБА!

(бадиалар)

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2001

Муҳаррир *И. Шоймардонов*
Бадий муҳаррир *Қ. Акчулаков*
Техник муҳаррир *Р. Бобохонова*
Мусаҳҳиҳ *Ю. Бизаатова*

Теришга берилди 6.09.2001. Босишга рухсат этилди 21.11.2001.
Бичими 84x108^{1/32}. Балтика гарнитураси. Офсет босма. Шартли
босма табоғи 2,73. Нашриёт-ҳисоб табоғи 3,18. Адади 2000 нусха.
Буюртма № 2573. Баҳоси келишув асосида.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси,
700083. Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.**

